

Биз учун мустақиллик — Аллоҳнинг ўзи эл - юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод ватан қолдиришдир.

Ислом КАРИМОВ

Газета 1997 йил
27 августдан чиқа
бошлаган

2000 йил,
30 август - 5 сентябрь
№ 33 (149)



МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмига, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» 2000 йил 25 августдаги Фармонида биноан Республика прокуратура идораларининг қуйдаги ходимлари Ватанинг юксак мукофотларига сазовор бўдилар:

Мамлакатимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш кадрларни тайёрлашга қўшган салмоқли ҳиссаси, кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун Наманган вилояти Чуст туманлараро прокурорининг ерданчиси **АБДУВОҲИДОВ Абдулҳамид** ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бошқарма бошлиғининг ўринбосари **ПАЛВАНОВ Султан** га «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони берилди.

Мамлакатимизнинг иқтисодиётини юксалтириш, унинг мудофаа қудратини ошириш, миллий хавфсизлигини таъминлаш ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси, Ватанимиз мустақиллигини ҳимоя қилишда кўрсатган фидойилиги ва мордлиги, Куролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги катта хизматлари учун харбий округ прокурори **ОМОНОВ Фарҳоджон Зоминович**, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори **ҲАЛИМОВ Ҳакимбой Аширович**, Андижон вилояти прокурори **ШАМСИЕВ Умматали Ҳакимович** 2-даражали «Шон-шараф» ордени билан;

Республика миллий хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жамоат тартибини муҳофаза қилиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида кўрсатган жасурлиги ва мардлиги учун Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бошқарма бошлиғи **АЛИЕВ Сарвар Усманович** ва Бухоро вилояти прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлими бошлиғи **НАЗАРОВ Баҳодур Бобомуротович** «Жасорат» медали билан;

Республикада тинчлик ва осейишталликни сақлашга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда Ватанимизнинг мудофаа қудратини юксалтиришдаги хизматлари учун Республика прокуратурасининг бўлим мутахассиси **ДОЛГОВА Людмила Павловна** ва Фарғона вилояти прокурорининг ташкилий назорат ва таҳлиллот бўйича катта ерданчиси **ШЕРИКУЛОВА Тоҳижон** «Шуҳрат» медали билан тақдирландилар.

«Хуқуқ» тахририяти ватан мукофотларига сазовор бўлган прокуратура ходимларини чин дилдан қутлайди.

Қутлаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» 2000 йил 25 августдаги Фармонида биноан «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Хуқуқ» газетаси бош муҳаррири ўринбосари **НАЗАРОВ Бахтиёр Мамедович** ҳам «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Барча газетхонлар номидан ҳамкасбимизни ушбу мукофот билан чин қалбдан табриқлаймиз.

ТАЙИНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғи билан адлия маслаҳатчиси Дилшод Шайхатович **ИСРОИЛОВ** Хоразм вилояти прокурори лавозимига тайинланди ҳамда мазкур вилоят прокуратурасининг ҳайъат раиси этиб тасдиқланди.

Дилшод Исроилов 1963 йил 19 октябрда Андижон шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек, маълумоти олий, 1985 йилда Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Адлия катта маслаҳатчиси.

Меҳнат фаолиятини 1985 йилдан Асака шаҳар прокуратурасида катта терговчиликдан бошлаган. 1987-1999 йилларда Андижон вилоят прокуратураси катта терговчиси, прокурор-криминалист, Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, Республика прокуратураси бошқармаси прокурори, бошқарма бошлиғининг ўринбосари, Тошкент вилояти Зангиота тумани прокурори, Республика прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари вазифаларида ишлаган. 1999 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул лавозимларда ишлаган.

Четик, ло-л
муборак, азиз
юртдошлар!

ЎЗБЕКИСТОН ЙИГИТЛАРИ

Юрта қалқон бўлиб оёққа қалқинг,
Ёки Чўпон бўлиб уфққа балқинг.
Сизни Ватан чорлар, чорлайди халқим,
Арисин деб гўбурлари,
Тарқасин деб булутлари,
Ўзбекистон йигитлари —
Ўзбекистон бургутлари!


Алпомишлар Кўкалошни кўкка отиб турган чоғда,
Фарҳодларнинг тешалари ярқираган қорли тоғда,
Маккор ғаним пайт пойлайди, онгда қолманг, қолманг дөгда
Оналарнинг алласи Сиз, оталарнинг ўғитлари,
Ўзбекистон йигитлари —
Ўзбекистон бургутлари!

Кўмилмасин ёр жамоли қоп-қора чодираларга,
Сунбул сочи дор бўлмасин Барчину Нодираларга.
Ортада йўл йўқ, қайтиш йўқдир ул аччиқ хотираларга,
Муҳаббатнинг танич тоғи, садоқатнинг қўр-ўтлари
Ўзбекистон йигитлари —
Ўзбекистон бургутлари!

Юрт тузаган Темурубеклар бузган бедор, бедор бўлар,
Абдулатиф падаркушга икки дунё бекор бўлар,
Эл папоҳи - чинорлари ғаним-ёғларга дор бўлар —
Қиндан чиқди чақмоқ янгиғи истиқлолнинг қиличлари —
Ўзбекистон йигитлари —
Ўзбекистон бургутлари!

Сизга шараф, Сизга таъзим, боғбон-деҳқон, ишбилармон,
Дунё кезган тужжор, олим, илму толиб, алпахлавон,
Ортада қолди тўққиз доғон,
Олдимизда юз минг имкон,
Омон бўлинг, сарҳадларда собит турган аскар ўғлон,
Ўзбекистон йигитлари —
Ўзбекистон бургутлари!

Абдуҳалик АБДУРАЗЗОКОВ



ҲУҚУҚ

ЮРИДИК ГАЗЕТА

Таъсисчилар:

Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси,
Тошкент шаҳар ва Тошкент
вилояти прокуратуралари,
«Конун ҳимоясида»
журнали

Бош муҳаррир:

А.АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:

Мэлс Наимов,
Комилжон Исмоилов,
Ботир Пулатов,
Бахтиёр Назаров
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Дилшод Исмолов
(масъул котиб),
Лола Шомуродова,
Зайниддин Мамадалиев

Газета Давлат матбуот
қўмитасида №00150 рақам
билан рўйхатга олинган
Нашр кўрсаткичи - 231, 232

Манзил: Тошкент шаҳри,
академик Яхё Ғуломов
кўчаси, 66-уй.

Телефонлар: 77-72-25,
133-82-34

Таҳририятга келган қўлёзма
ва суратлар эгаларига
қайтарилмайди.

Муаллифларнинг фикрлари
таҳририят фикридан
фарқланиши мумкин. Газетада
босилган факт ва далиллар
учун муаллиф масъул.

Наширидан кўчириб
босилганда «Ҳуқуқ» дан
олинганлиги кўрсатилиши
шарт.

Тижорат аҳамиятига молик
материаллар ** белгиси остида
чоп этилади.

Газета андозаси таҳририят
компьютер марказида
Pentium-II MMX - 333
компьютерига саҳифаланди.
Саҳифаловчи Б. САИДОВ.
«Ҳуқуқ» оригинал-макети

Газета «Шарҳ» нашриёт-
матбаа концерни
босмахонасида офсет усулида
А-3 форматда
чоп этилган.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Тўрон кўчаси, 41.

Буюртма Г - 752
Нусхаси — 13971

Босмахонага топшириш
вақти 20.00
Босмахонага
топширилди 20.00

Газета ҳафтанинг чоршанба
кунлари чиқади

Навбатчи муҳаррир:
Ҳ. НИШОНОВ
Навбатчи: Н.МАХМУДОВ
Сотувда эркин нархда

1 2 3 4 5 6 7 8

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА»

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг
тўққиз йиллиги муносабати билан, инсонпарварлик тамойилига амал
қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг
20-бандига асосан Қарор қиламан:

1. Озодликдан маҳрум қилиш,
шунингдек, озодликдан маҳрум
этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо-
лардан қўйидаги маҳкумлар озод
қилинсин:
- а) иккинчи жаҳон уруши қат-
нашчилари ва уларга тенглашти-
рилган шахслар, шунингдек, Чер-
нобыль АЭСдаги ҳалокат оқибатла-
рини бартараф қилишда иштирок
этган шахслар;
- б) аёллар;
- в) 60 ёшдан ошган эркаклар;
- г) вояга етмаган ёшида жиноят
содир этган шахслар;
- д) биринчи ва иккинчи гуруҳ
ноғиронлари;
- е) чет эл фуқаролари.
2. Уч йилгача муддатга озодлик-
дан маҳрум этилган ёки озодлик-
дан маҳрум этиш билан боғлиқ
бўлмаган жазоларга, шунингдек,
эътибсизлик оқсасида содир этган
жинояти учун ҳукм қилинган шахс-
лар жазодан озод қилинсин.
3. Биринчи маротаба олти йил-
гача муддатга озодликдан маҳрум
этилган ва белгиланган жазо му-
ддатининг камида тўртдан бир қис-
мини ўтаган шахслар жазодан озод
қилинсин.
4. Ушбу Фармон чиқарилган
кунга қадар, белгиланган озодлик-

дан маҳрум қилиш билан боғлиқ
жазодан ўтган учун бир йилдан кам
муддат қолган маҳкумлар озод
қилинсин.

5. Биринчи маротаба ўн йилга-
ча муддатга озодликдан маҳрум
этилган ва белгиланган жазо му-
ддатининг камида ярмини ўтаган
шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Ушбу Фармон чиқарилган
кунга қадар, озодликдан маҳрум
этиш жазосини ўташ жойларидан
қонунга мувофиқ жазони ўташдан
муддатидан илгари шартли озод
қилиш ёки жазони енгилроғи бил-
ан алмаштиришни қўлаш мумкин
бўлган маҳкумлар озод қилинсин.

7. Ўн йилгача муддатга озодлик-
дан маҳрум этилган ва белгилан-
ган жазо муддатининг камида ўн-
дан бир қисмини ўтаган маҳкумлар
манзил-колонияларга ўтказилсин.

8. Ушбу Фармоннинг биринчи
моддасида қайд этилган шахслар
томонидан содир этилган жиноят-
лар, шунингдек, ижтимоий ҳавфи
қатта бўлмаган жиноятлар юзаси-
дан олиб борилаётган тергов иш-
лари ва судда қўрилмаган ишлар
ҳаракатдан тугатилсин.

9. Мазкур Фармонга асосан
жазодан озод қилинмайдиган шах-
сларнинг жазо муддатининг ўтал-

маган қисми қуйидагича қисқарти-
рилсин:

а) қасддан содир этган жиноят
учун ўн йилгача муддатга озод-
ликдан маҳрум қилинганларга - у-
дан бир қисмга;

б) қасддан содир этган жиноят
учун ўн йилдан ортиқ муддатга
озодликдан маҳрум қилинганларга -
тўртдан бир қисмга.

10. Ушбу Фармон қуйидагилар-
га қўлланилмасин:

- Ўзбекистон Республикасининг
конституцияси тузумига қарши жи-
ноятлар содир этган шахсларга;

- террористик, экстремистик ва
бошқа ноқонуний ташкилотлар,
жиноий уюшмаларнинг аъзоларига;

- миллий, ирқий ядроват қўға-
тиш ва жамоат ҳавфсизлигига қар-
ши бошқа қилмишлар содир этган-
лиги учун судланганларга (Жиноят
кодексининг 150-163, 216, 216-1,
216-2, 242, 244, 244-1, 244-2 мод-
далари);

- жазони ўташ тартибини мун-
тазам равишда бузган маҳкумлар-
га, шунингдек, илгари амнистия
ёки авф этиш тартибидеда жазони
ўташдан озод этилгандан сўнг қас-
ддан жиноят содир этган шахслар-
га.

Бундан ташқари:
- ушбу Фармоннинг 1-моддаси
«б» банди - жавобгарлигини оғир-

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2000 йил 28 август.

И.КАРИМОВ

МУСТАҚИЛЛИК ВА ПРОКУРАТУРА

ИСТИҚДОЛ ВА ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

- Мустақиллиқнинг тўққизинчи
йили Республикаси прокуратура идо-
ралари учун ҳам жўшқин ва тинимсиз
фаолият йили бўлди. Бу фаолият
мамлакат ва халқимиз ҳаётида
қандай из қолдирди?

- Бугун мамлакатимизда байрам
руҳи кезиб юрибди. Халқимиз буюк
байрамимизни кўзида қувонч, ди-
дада шукронали билан кутиб ол-
моқда. Биласизми, Мустақиллик
эълон қилинган кунни йиллар биз-
дан қанчалар йироқлаштиради, у
шунча титиллашиб бормоқда. Йил-
лар ўтган сайн халқимиз унинг қад-
рига етиб, аҳамиятини тушуниб бор-
моқда.

Давлатимиз илк мустақилликка
эришган пайтдан бошлаб, то бугун-
ги кунгача прокуратура идоралари у
билан ҳамнафас бўлди. Оғир кунла-
рида унинг суянчиги бўлиб, турли
таҳовузулардан уни ҳимоя қилиб
келди. Бугун ҳам у иқтисодий исло-
хотларни жадаллаштириш, аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилишга қарат-
илган қонунлар ижросини назорат
қилишда фаол иштирок этиб кел-
моқда. Жиноятчиликка қарши ку-
раш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва ман-
фаатларини ҳимоя қилиш борасида
бирмунча натижаларга эришилди.

Рақамларга мурожаат қилайлик.
Умумий назорат йўналиши бўйича
шу йилнинг ўзига 90 мингдан ортиқ
прокурор таъсир чоралари қўлла-
нилди. 2 мингдан ортиқ қўзғатилган
жиноят ишлари ёрдамида турли
тоифадаги мансабдорларнинг жа-
вобгарлиги масаласи ҳал қилинди.
Етказилган зарарининг 120 млн.
сўмдан зиёددирги ихтиёрли қопла-
ниши таъминланди, судларга 8 мин-
гдан ортиқ даъво аризалари кири-
тилди.

Бу ва бошқа таъсир чоралари
ёрдамида нафақат мустақил давлати-
миз манфаатлари, балки бутун
халқимизнинг хоҳиш-иродаси, ис-
таклари уйғунликда ҳимоя қилин-

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуро-
рининг 1-ўринбосари, 3-даражали Давлат
адлия маслаҳатчиси Азимжон ЭРҒАШЕВнинг
«Ҳуқуқ» газетаси мухбирининг саволларига
жавоблари

моқда. Агар таҳлилларни давом эт-
тирсак, биз халқимиз турмуш фиро-
вонлигини ошириш, тадбиркорлару
деҳқон-фермерларни қўллаб-қув-
ватлаш борасида ҳам маълум нати-
жаларга эришяётганимизни кўра-
миз ва бундан фахрланамиз.

Бу борада қиладиган ишлари-
миз ҳали талайгина. Президентимиз
Ислом Каримовнинг Вазирлар
Маҳкамасининг 2000 йил 6 ойи ян-
варига бағишланган мажлисидаги
маърузасидан келиб чиқиб тадбир-
лар режасини ишлаб чиқиб ва улар-
ни бажаришга киришдик.

Жиноятчиликка қарши кураш
борасида ҳам барқарорликка эриш-
дик. Умумий жиноятчилик ва унинг
айрим турлари сезиларли камайи-
шига сазовор бўлди. Шу билан
бирга, криминоген вазиятга салбий
таъсир кўрсатаётган оғир ва ўта
оғир жиноятлар, қасддан одам ўлди-
риш, жиноятчилик, ўғирлик каби
жиноятларни кескин камайтириш
чораларини кўрмоқдамиз.

Мухими, одамларимиз тинч-то-
тув ва осоийшта яшаб, меҳнат
қилишлари, уларнинг эртанги кунга
ишончи ортиши учун қонунларда
қўзда тутилган барча шарт-шароит-
ларни таъминлаш чораларини кура-
ямиз.

- Сурхондарё вилоятининг Сари-
осиё ва Узу тўманлари тоғли ҳудуд-
ларида мустақиллигимиз душман-
ларига қақшатқич зарба берилди.
Прокуратура идоралари оқойишта-
лигимизга таъжову қилган террор-
чиликнинг жиноятлари, уларнинг
шахсини аниқлаш юзасидан тезкор-
тергов ҳаракатларини олиб бормоқ-

да. Прокуратуранинг терроризм ва
диний экстремизмга қарши фаоли-
ти ҳақида гапириб берсангиз.

- Бугунги кунда дунё ҳамжамия-
тига жиддий ҳавф тудираётган ҳа-
лқаро терроризм ва диний экстре-
мизм тобора фаоллашиб қолгани
сир эмас. Террорчиларнинг Сур-
хондарё вилоятининг Сариосиё,
Узу тўманлари ва бошқа ҳудудлар-
га қилаётган таъжовулар, Қирги-
зистоннинг Боткен вилоятига бо-
стириб киришларига қарши ҳамкор-
ликда кескин чоралар қўрилмоқда.
Уларни қириб ташлаш, мустақилли-
гимизни ҳимоя қилишга куч ва қуд-
ратимиз етди.

Шу билан биргаликда, олиб бо-
рилаётган тергов ишлари бўйича
воқеа жойлари ва террорчиларнинг
жасадларини қўздан кечириш чо-
да аниқланишича, улар бир хилда
бўлган махсус кийим-бош, замона-
вий автомат қуроллар, ўқ-дори ва
портлатиш воситалари билан таъ-
минланган. Жасадларнинг ёнидан
қўллаб чет эл валюталари, ўқув ба-
засида таҳсил олганлигини кўрса-
тувчи дафтарлар, хорижий алоқа
воситалари топилган.

Ҳозирда террорчилар тўдаси-
нинг бир неча аъзоси қўлга олинди,
улар тергов олдига жавоб бермоқ-
да. Уларнинг раҳнамолари биз-
нинг ҳудудимизда авваллари ҳам
бир неча қотиллик, босқинчилик
каби ўта оғир жиноятлар содир эт-
ганлиги маълум. Вақти-соати кели-
б, улар қонун олдига, халқимиз-
нинг тўқилган қони учун жавоб бе-
радилар.

Мамлакатимиз ичкарисида асо-

сий эътибор диний экстремизмнинг
олдини олишга қаратилмоқда. Олиб
борилаётган ишларнинг қўламини анча
кент.

Барча босмахона, нусха қўпай-
тириш шохобчаларида диний экстремистик адабиётларнинг чоп эти-
лиши ва қўпайтирилишини аниқлаш-
га қаратилган текширишлар ўтқа-
зилмоқда. Савдо шохобчалари, бо-
зорлар ва бошқа аҳоли гавжум жой-
ларда сотилиши ман қилинган ди-
ний адабиётлар, аудио ва видео
материалларни аниқлашга қаратил-
ган текширишлар ҳам амалга оши-
рилмоқда. Текширишлар натижалари-
га кўра 600 дан ортиқ прокурор
таъсир чоралари қўлланилди.

Бундан ташқари, мазкур йўна-
лишдаги курашнинг самарадорли-
гини ошириш мақсадида, «Хизбут-
таҳрир», «вахҳобийлик» бошқа ди-
ний экстремистик оқим аъзолар,
тарафдорларнинг рўйхатлари жой-
лардаги ўзини-ўзи босқинчи орган-
лари муҳокамасига юборилмоқда.

Шунингдек, кенг омма ўртасида
ўтказилаётган турли учрашувлар,
суҳбатлардан унмולי фойдаланиш-
га ҳаракат қилинмапти. Уларда асо-
сий эътиборни диний экстремизм-
нинг мақсади, реакция моҳияти,
Ислом динининг инсонпарвар го-
ялини тушунтиришга қаратилмапти.
Бу, албатта, ўз самарасини бери-
шига ишончимиз комил.

Мазкур вазифаларни амалга
ошириш эса барча фуқароларимиз-
дан фаоллик кўрсатишни, ватанпар-
варлик туйғулари аналда намён
этишни талаб этди. Айниқса,
ҳокимликлар, ўзини-ўзи бошқариш
органлари, маҳалла фаоллари ва
бунга масъул бўлган бошқа ташки-
лотлар бизга яқиндан ёрдам бе-
ришлари керак.

- Ўзбекистон Республикаси Пре-
зидентининг «Ўзбекистон Респу-
бликасининг суд тизимини тақомил-
(Давоми 3-бетда.)

(Бошлангичи 2-бетда.)
лаштириш тўғрисида»-ги Фармони суд тизимининг демократик асосларини ислох қилишда қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди. Фармонга асосан судларнинг ихтисослаштируви амалга ошириш прокуратура тизимини ҳам тақомиллаштиришни тақозо этади?

Ҳақиқатда, Президентимизнинг бу Фармони ўзининг долзарблиги билан муҳим аҳамият касб этмоқда. Амалдаги суд тизимини ислох қилишнинг асосий мақсади-суд ишларини адолатли ва ўз вақтида қўриб чиқишни таъминлашдан иборатдир. Шунинг учун судларнинг ихтисослаштируви қўзда тутилмоқда.

2001 йилнинг 1 январидан бошлаб мавжуд судлар негизда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарларда фуқаролик ишлари бўйича алоҳида ва жиноий ишлар бўйича алоҳида судлар ташкил қилинади.

ИСТИҚЛОЛ ВА ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Фуқаролик ишлари бўйича судларга Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал Кодексидан қўзда тутилган барча ишлар тааллуқли бўлади. Жиноий ишлар бўйича судларга Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал Кодексидан қўзда тутилган ишлар ҳамда амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс бўйича судларнинг иш юритишга берилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар тааллуқли бўлади.

Суд тизимининг ислох қилиниши, албатта, прокуратура идоралари тизимини ҳам тақомиллаштиришни тақозо этади. Маълумки, прокурорлар судларда қонунда белгиланган тартибда, суд лозим топган ҳолларда ва алоҳида аҳамият касб этадиган айрим муҳим ишларда иштирок этиб, давлат номидан прокурор вколатини таъминлайдилар.

Статистик маълумотларга кўра, Республика судларида қўрилаётган, айтилган, фуқаролик ишларининг 56-60 фоизидан прокурор вколати таъминланмоқда, суд қарорининг қарийб 98 фоизи прокурор берган ҳулюсага мос ҳолда қабул қилинмоқда. Ноконуний суд қарорларининг 70 фоизга яқини прокурорларнинг кассация ва назорат тартибидagi протестлари асосида бекор қилинмоқда.

Фикримизча, судларни ихтисослаштириш жараёни аҳолининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, унга қулай ва яқин жойларни этиборга олиб амалга оширилиши зарур. Чунки айрим туманлар ҳудуди 50-100 км.га қўзилган бўлиб, суд иштирокчиларини судга қақаришда, уларнинг судга келиб-кеетишида маълум қийинчиликлар пайдо бўлади. Бу - суд ишлари ташкил этишда жиддий муаммолар келтириб чиқаради.

Прократура идораларининг бу йўналишдаги ишлари ташкил этишда, фикримизча, вилоят ва унга тенглаштирилган прокуратураларда суд жараёнида прокурор вколатини таъминлаш бўйича махсус бўлимлар жорий қилиниб, улар бевосита Тошкент шаҳар, вилоят ва туманлараро судларда қатнашиш, ноконуний суд ҳужжатларига кассация ва назорат протестлари киритиш ҳуқуқларига эга бўлмоқлари лозим. Бизнинг бу фикрларимиз тегишли равишда жиноий, фуқаролик процессуал ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда ўз аксини топади деган умидимиз.

Тошкент шаҳар, вилоят ва туманлараро судларда қатнашиш, ноконуний суд ҳужжатларига кассация ва назорат протестлари киритиш ҳуқуқларига эга бўлмоқлари лозим. Бизнинг бу фикрларимиз тегишли равишда жиноий, фуқаролик процессуал ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда ўз аксини топади деган умидимиз.

Тошкент шаҳар, вилоят ва туманлараро судларда қатнашиш, ноконуний суд ҳужжатларига кассация ва назорат протестлари киритиш ҳуқуқларига эга бўлмоқлари лозим. Бизнинг бу фикрларимиз тегишли равишда жиноий, фуқаролик процессуал ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда ўз аксини топади деган умидимиз.

Тошкент шаҳар, вилоят ва туманлараро судларда қатнашиш, ноконуний суд ҳужжатларига кассация ва назорат протестлари киритиш ҳуқуқларига эга бўлмоқлари лозим. Бизнинг бу фикрларимиз тегишли равишда жиноий, фуқаролик процессуал ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда ўз аксини топади деган умидимиз.

Тошкент шаҳар, вилоят ва туманлараро судларда қатнашиш, ноконуний суд ҳужжатларига кассация ва назорат протестлари киритиш ҳуқуқларига эга бўлмоқлари лозим. Бизнинг бу фикрларимиз тегишли равишда жиноий, фуқаролик процессуал ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда ўз аксини топади деган умидимиз.

Тошкент шаҳар, вилоят ва туманлараро судларда қатнашиш, ноконуний суд ҳужжатларига кассация ва назорат протестлари киритиш ҳуқуқларига эга бўлмоқлари лозим. Бизнинг бу фикрларимиз тегишли равишда жиноий, фуқаролик процессуал ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда ўз аксини топади деган умидимиз.

ЎВУЗАИК ИЛАДИ

ТЕРРОРИЗМ — МУДҲИШ ВОКЕЛИК

Луғатимизда «мафия», «экстремизм» каби сўзлар қаторида «терроризм» сўзи ҳам ишлатила бошланганига қўл бўлмаган эса-да, бугун бу мудҳиш воқелик ҳақида ёзилган, қўлмаган киши кам. Шу боис, Ўзбекистон Олий Мажлисининг бугун бўладиган сессиясида «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокамага қўйиш назарда тутилган. Мухбиримиз мазкур қонунни қабул қилиш зарурлиги ва умуман терроризмнинг моҳияти ҳақида фикр билдиришни сўраб Республика прокуратураси Жиноятларни тергов қилиш бошқармаси бошлиғи Сарвар Алиева муурожаат қилди.

«Террор» сўзи «қўрқитиш, таҳдид солиш» мазмунини англатиб, кишилик жамияти билан бир вақтда пайдо бўлган. XXI аср арафасида терроризм ўз моҳиятига кўра, тинчлик ва барқарорликка таҳдид қилиб турган энг хавфли воқеликка айланган.

90-йилларнинг охирида жамиятнинг барча бўғинларида юз берган инқироз сабаб собиқ Иттифок парчаланиди ва унинг урида ёш мустанкил давлатлар вужудга келди.

Қуқур иқтисодий таназзул ва ўтиш даврининг оғир кунлари бу давлатларда бусиз ҳам оғир аҳволни янада мураккаблаштиради, уюшган жиноятчилик ва коррупциянинг кенг тарқалишига имкон бериб, Қўшни минтақалардаги нотинчлик, ўзоқ вақтдан бўён давом этаётган фуқаролик урушлари этник, жүгрофий ва диний фундаменталистик ҳаракатларнинг ривожланишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон раҳбарияти тарихининг шундай лаҳзаларида халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида масъулиятли қадам қўйди ҳамда мамлакатда қонунчилини мустақамлаш - ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг гарови эканлигига асосий эътиборни қаратди.

1994 йил 22 сентябрда тасдиқланган Ўзбекистон Жиноят кодексидан терроризм халқаро тинчлик, инсониятнинг ҳафсизлиги, кишиларнинг соғлиги ва ҳаёти, халқаро ташкилотларнинг мулкига қарши қаратилган жиноят деб тасвифланади.

Кейинги йилларда ўзларининг асл жиноий мақсадларини муқаддас ислом дини ниқоби билан беркитган террористик ташкилотлар фаолияти кучаймоқда. Аслида қулай ва бой табиий захираларга эга бўлган географик ҳудудларни, гивандлик воситаларини ташувчи ақин йўллари эгаллаш пайида бўлган халқаро террористик жиноий уюшмалар ўз мақсадларига етиш йўлида ҳар қандай ифосликлардан қайтмаёттирлар.

Айнан шундай кучларнинг аралашуви натижада Хиндистоннинг Кашмир вилоятида, Афғонистонда, Россиянинг Кавказорди минтақасида, Тожикистон ва бошқа давлатларда турли баҳоналар билан фуқаролик уруши олови ёқилиб, минглаб беғуноҳ инсонлар қурбон қилинган.

1990-91 йилларда мамлакатимиз ҳудудида бир қанча оғир жиноятларни содир этиб, тергов ва суддан қочиб яширинган Тохир Йўлдош ва Жума Намангоний каби кимсалар фуқаролик урушлари авж олган Тожикистон ва Афғонистон ҳудудларида ўзларига «иш ва яшаш учун манзил» топишиб, яъни муҳолифат қўшинларига ёлланшиб, катта мош эвзасига уларнинг тарафида туриб жангларда иштирок эта бошлаганлар. Улар қўшимча «ишчи кучи»га муҳтож бўлган раҳнамоларининг топшириғи билан қотиллик, номуқса тегиш, ўзганин мулкни фибрибгарлик билан ўзлаштириш каби бир қанча жиноятларни содир этиб, тегишли идоралар томонидан қидирувда бўлган ва Ўзбекистондан ташқарида қочиб юрган жиноятчи унсурларни ўз атрафига ўтлашиб, «Ўзбек жабҳаси»ни тузишган. Жабҳадагилар мўмай мош эвзасига қўлларига қурол олиб, беғуноҳ кишиларни ўлдираганлар. «Ўзбек» номига иснод келтирган бу ватандагилар халқаро террорчиларнинг малайларидир.

1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида, 15 ноябрда Тошкент вилоятининг Янгиобод ҳудудида содир этилган террористик актлар, 1999 йилнинг август-сентябрь ойларида Қирғизистоннинг жанубида содир этилган қуролли агрессия, жорий йилнинг август ойи бошларида республикаимизнинг Сариев ва Узун туманларида қуролли ҳужум уюштирилиши, ўзини «Ўзбекистон исломий ҳаракати» деб атаган, аслида қидирувда бўлган жиноятчи унсурлар тўдасининг ниёти нақадар разил ва тинчлигимиз учун хавфли эканлигини тасдиқлаб берди.

Вужудга келган вазиятда мамлакатимиз раҳбарияти мазкур воқеликка қарши курашни ташкиллаштириш, халқимизнинг тинчлигини сақлаш бора-сида қўшимча чоралар қўрмоқда. Олий Мажлисининг бугунги сессиясида муҳокама қилинадиган «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юқорида қайд этилган вазифаларни амалга оширишга қаратилган.

Мазкур қонун терроризмининг асл қиёфасини ва мақсадларини очиб бериши билан бирга, унга қарши курашни ташкиллаштиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда кенг жамоатчиликнинг вазифаларини белгилаб беради.

Ҳасан НИШОНОВ
ёзиб олди

АКС — САДО

Бундан 9 йил аввалги ҳаяжонли байрам тантаналари ҳали-ҳамон қўз ўнгимда. Ўзоқ интиқликлардан кейин эришилган Мустиқиллик қўлларимизга мунавар шўқў бахш этган эди. Хориждан жуда қўл ватандошларимиз мамлакатимиз томон талпина бошладилар. Улар бизнинг аҳолиимизни қўриш учун эмас, балки ҳижронда соғинган, ҳеч бир юртдан ўқашини топа олмаган она — Ватан тупроғини қўзга суртиш умидида интидилар.

Минг бора шўқри, ҳар бир сиқими зарга тенг тупроғини қўзга тўтиб айласак арзигулик - улғур юртимиз бор. Ватанимизнинг ҳар бир асл фарзанди ўзини она юртининг ажралмас бўлағи деб ҳис эта бошлаёттир. Бу тушунча, бу буюқ тўйғу ўзбек халқининг ҳозирги авлоди зиммасига гоятда муқаддас вазифаларни юклайди. Бу Ватанин асраш, унга хизмат қилиш бурчидир.

Мамлакатимизнинг Сурхондарё вилояти тоғли чегара ҳудудларида бир ғуруҳ террорчилар томонидан уюштирилган босқинчилик ҳаракати кўп қатори вилоятимиз аҳли қалбида ҳам чексиз нафрат тўйғуларини тошириб юборди. Бугунги фаровон турмушимизни қўра олмаётган аламазда ватанфурӯшлар ва улар орасидаги қора кучлар мард бўлишса майдонда ўзларини қўрсатишмайдими?

Навоий шаҳрида бўлиб ўтаётган оғоҳликка даъват этувчи йиғилишлар фуқароларимиз дўстга-дўстдек, ёвга-ёвдек муносабатда бўлиб, ҳар қандай мудҳиш хавф-хатарнинг олдини олишга шай эканликларидан шохидлик бермоқда.

Халқимизга хос бўлган бағри-

ЎВГА АЁВ ЙЎҚ



кенглик, очикқўн-гиллик ва ишонувчанлик сингари муқаддас фазилатларимиздан гараз мақсад да фойдаланишга уринаётган баъзи диний экстремистик оқимлар ва киллари ёшларимиз онгига таъсир ўтказишга, уларни қалғитишга уринишмоқда.

Шаҳар прокуратураси, шаҳар ҳокимияти, ички ишлар ва халқ таълими бўлимлари ҳамда «Қамолот» жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилаётган режавий тадбирларда оилани мустақамлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, ўсирилларнинг соғли-

ги ва таълим-тарбиясига қаратилган қонунлар ихросини таъминлаш масалалари ҳам қамраб олинмоқда.

Ёшларимиз ҳаётида бўшлиқлар вужудга келмаслиғи учун энг аввало, уларнинг иш билан таъминланишига эътибор бермоқдамиз. Вақ-

тинча ишсиз саналган 1180 нафар фуқаро шаҳар меҳнат биржаси (банклик бўлими) томонидан рўйхатга олинган. Бундан ташқари, ўрта мактаблар, ижодиёт уйи, спорт саройи, «Фарҳод», «Ширин», «Наврўз» маданият саройлари, 4-сонли болалар ва ўсириллар спорт мактаби, ҳамда бошқа клубларда, турли тўғаракларда ёшлар сони қўндан-қўнга ортиб бормоқда.

Хуруррат ва истиқлол йўллари ҳеч қачон осон кенган эмас. Сув келса симириб, тош келса кемириб, озодликка эришган халқимиз бебаҳо жаннат юртимиз — Ўзбекистонни ҳеч кимга бериб қўймайди. Ўт билан ўйнашаётган галамислар эса дайди итдек, жадал қарвонимиз ортидан қуриб қолаверади. Ёвга аёв бўлмайди.

Ботир НОРОВ,
Навоий шаҳар прокурори

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ «ХОТИРА КИТОБИ»

ВАТАННИНГ АСЛ ЎҒЛОНИ СЎНГИНГ НАФАСИГАЧА ЖАНГ ҚИЛДИ

— «Киштут» қишлоғида тоғ ёнбағрига қўтарилга бошлаганда Бобуржоннинг ҳали ёш командирлигини назарда тутиб, «Сен иккинчи ғуруҳ билан ортимиздан қорасан» деб буюрибди командирларини, — дейди Баҳромжон. — Бирок отишма бошлаганида Бобуржон юғури олдинга чиқиб олибди. Душманин биринчи ўқи унга тегибди. Тиззасидан яраланиб, ётган жойида қўл остидаги аскарларга чекинишни буюриб, ўзи атоматдан ўқ узиб уларни паналлаб турибди. Ембосидан пусиб келган босқинчиларнинг ўқларидан оғир яраланган бўлса-да, рақия орқали вазият тўғрисида хабар бериб, ўқлари тугагунча босқинчилар билан жанг қилибди. Кейинроқ унинг жасадини олиб кетишаётганда автоматининг магазинларидан бирон донга ўқ қолмаган экан...

Шу пайт таъзияга қалаётганлари қўриб, Баҳромжон ўрнидан турди. Уларга пешвоз чиқиб, жой кўрсатади.

— Болалигидан ҳаман нарсда — ўйиндаям, ўқишдаям биринчи бўлишга интиларди, — деб сўзида давом этади Бобуржоннинг акаси Баҳромжон Ғаниев. — Синфда, кейинроқ техникумда ўқибганди йигит-қизларнинг етакчиси эди. Дадам ўй тўрт йил аввал, Бобуржон иккинчи-учинчи синфда ўқибганди вафот этгандилар. Дадам ҳам ҳарбий бўлишган, менинг ҳам, укамнинг ҳам тасаввуриди ҳарбий кийимда муҳлаиб қолган. Бобуржон альбом варақлаб дадамнинг ҳарбий кийимдаги фотосуратларига қараб ўтириб, «мен ҳам офицер бўламан» дерди. Аямга «дадам сизни оғирманган жойларга ўзим олиб бораман» дерди. Охири сафар келганда «сентябрда тўй, уйланганимдан кейин, аямни Тошкентга олиб кетаман» деганини эсласам, қорамим эзилди.

— Оиламизда ҳамма ҳарбий, — оғир тин олиб давом этади Баҳромжон. — Мен захирадаги лейтенантман. Андиқонда тиббий ходим бўлиб ишлайман. Акам Баҳодиржон Тошкент-

да, қуни-кеча майор унвонини олди. Яна Бҳтиёр акам ҳам ҳарбий хизматчи. Бобуржоннинг Сурхондарёдан Баҳодир акам олиб келдилар. У билан ёнма-ён жангда халок бўлган йигитларни ҳам ўзлари ота-оналарига топширибдилар. Ёнғ сўнгитида укамни олиб келибдилар...

Лейтенант Бобуржон Ғаниев Марғилон шаҳридаги 13-мактабда ўқиган. Синфдошлари бот-бот келиб Мунавваржон аяга таскин беришга уринадилар. Мунавваржон ая раҳбар бўлиб ишлайдиган «Меҳрибонлик уйи» ходимларининг тасаллиларидан қўлларига ёш қалқийди.

Бобуржоннинг акалари, сингилси онализдорнинг дардида малҳам бўлишга уринишди. Бирок кенжа, суюқли ўғилнинг ўрнини ким ҳам боса оларди?

Бобуржон ёш кетди. Тошкент электротехника институтини битириб, ҳарбий бўлиналардан бирда хизмат қила бошла-ганига энди уч ой бўлган эди. Бобуржон Ғаниевнинг ёрқин хотираси Ватанин асл ўғлини тисоли сифатида ҳаммаша эъзозланган.

Ушбу мақола нашрга тайёарлаётган вақтда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси мустиққилининг тўққиз йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органоари, Давлат ҳисораларини ҳимоя қилувчи қўмита, Муҳофаза ва фавқулодда вазиятларда вазирликларга ҳодимлардан бир сурхуни муҳофотлаш тўғрисида»-ги Фармони эълон қилинди. Ватанимиз мустиққилисини мустиққаламиз, истиққоламлини ҳимоя қилишда қўрсатган жасоратлари учун бир сурху сарфдошлари қаторида Бобуржон Ғаниев ҳам ўқимдан сўнг 2 - даражали «Шоҳ-наваро» ордени билан муқотланди.

И. ИСРОИЛОВ

ПРОКУРАТУРА АРААШУВИДАН СЎНГ

ПРОТЕСТ ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ



Олимжон ТОЖИБОВ,
Самарқанд шаҳар
прокурори

Давлат мулкни бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси 1994 йилнинг 7 декабрида фалати бир буйруқ чиқаради. Мазкур буйруққа кўра Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрдаги «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуни асосида «Ўзбектуризм» Миллий компаниясига қарашли Самарқанд савҳат ва сайр бюросининг 3335 минг сўмдан ташкил топган давлат мулки, шу жумладан, 25630 сўмга баҳоланган, тарихий ва маданий ёдгорлик ҳисобланган «Усматбой ота мадраси» биноси «Эркин - Сайёх» ҳиссасдорлик жамиятига сотилган ва жамиятга мулк ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери берилган. Шу тариқа тарихий ёдгорлик ҳисобланган кўҳна бино ҳам хусусийлаштириш юборилди. Ваҳоланки, юқоридаги ҳужжат қонун талабларига хилоф ва ҳуқуқий эмас.

Юқоридаги қонуннинг 4-моддасида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиий ресурслар, маданий бойликлари ва тарихий бойликлар давлат тасарруфидан чиқарилмаслиги ва хусусийлаштирилмаслиги белгиланган.

Бундан ташқари, ушбу бино қийматини аниқлашда Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 июндаги «Давлат, корхона ва ташкилотларнинг мулкни сотиш, олиш, ҳиссасдорлик ёки масъулияти чекланган жамиятларга айлантириш вақтида баҳолаш тўғрисида»ги Низомининг 2-банди талаблари қўпол равишда бузилган.

Юқоридаги қонунбузарликлар юзасидан шаҳар прокуратураси Самарқанд вилоят прокуратурасига тақдимнома киритган эди. Вилоят прокуратураси вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси тақдим этди. Вилоят ҳўжалик суди қабул қилган ҳал қилув қарорига кўра вилоят прокурорининг даъво аризаси асосан қаноатлантирилган.

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги томонидан 1998 йил 29 сентябрда «Самарқанд-Трейдинг-К» Ўзбек-Белгия фирмасига «Ургут» бозоридан ажратилган ер участкасини қайтариб олиб, ундаги қурилиш тугалланмаган биноларни вилоят Давлат мулкни бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан «кимошди» савдоси орқали сотиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунларига хилоф равишда кўшма корхона маъмуриятига маълум қилинмасдан чиқарилганлиги эътироф этилди. Шунингдек, кўшма корхона 1997 йилнинг декабри ойда «Ўзбек - Швейцария» кўшма корхонасига айлантирилганлиги ва бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ҳисобга олинмаган.

Шаҳар прокуратураси қайд этилган вазиятга асосланиб, шаҳар ҳокимлигига протест киритган эди. Шаҳар ҳокимининг қарорига кўра қурилиш битказилмаган бинонинг ер участкасини қайтариб олиб, бинони «кимошди» савдоси орқали сотиш тўғрисидаги қарор бекор қилинди.

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўтган ҳафта жума кuni Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда «Пахтабанк» ва «Тadbиркорбанк» акциядорлик тижорат банкларида кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда деҳқон-фермер ҳўжаликлари учун кредитлар ажратиш тартиби ҳамда уларнинг бажарилиши юзасидан жавобгарлиқни белгилловчи қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижаси кўриб чиқилди.

Кенгаш ишда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар ва республика транспорт прокурорларининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари, Марказий банк раиси ўринбосари Қ.Рофиев, «Пахтабанк», «Тadbиркорбанк» бошқаруви раислари Ж.Сайфидинов, С.Қамбаров, «Бизнес фонд» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Валиев ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик, идора, тижорат банклари масъул ходимлари иштирок этдилар.

Йиғилиши Бош прокурорнинг 1-ўринбосари, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Азимжон Эргашев олиб борди. Кенгаш кун тартибидagi масала юзасидан Республика прокуратураси Умумий назорат бошқармаси бошлиғи Х.Маъмуровнинг маърузаси тингланди. Маърузачи ўз нутқида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг изчил давом этаётганлиги, охириги йилларда айниқса иқтисодиётни эркинлаштириш, кичик ва ўрта тadbиркорлиқни ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилаётганлиги, бу ишларнинг натижаси ўлароқ халқимизнинг турмуш фаровонлиги ошиб бораётганлигини таъкидлаб ўтди.

— Ислохотлар жараёнида нодавлат шаклидаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг, деҳқон-фермер ҳўжаликлари, тadbиркорларнинг фаолиятини ривожлантириш, иқтисодиётни оқсатиришда, аҳолини истеъмол товарлари билан таъминлашда, бандлик муаммоларини ҳал этишдаги аҳамияти беқиёс. Ҳойларда бу борадаги фаолиятни ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган тadbирлар натижасида тadbиркорлар сонининг бирмунча кўпайди, уларнинг ишлаб чиқаришга қўшаётган ҳиссалари ошди.

Республика прокуратураси идоралари томонидан ҳам тadbиркорларни, деҳқон-фер-

ПРОКУРОР ВА ТАДБИРКОР: ҲАМКОРЛИК

мер ҳўжаликлари қўллаб-қувватлаш йўлида қатор ишлар амалга оширилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар ва туманларда ҳар ойнинг биринчи ва охириги шанба кунлари «Тadbиркорлар кўни» деб эълон қилинди. Тadbиркорлик вакиллари прокуратура идораларининг масъул ходимлари томонидан қабул қилиш ва уларни қийнаётган муаммоларни бартараф этишга эътибор қўйилган.

Юқорида санаб ўтилган ижобий ишларга эришиш билан бир қаторда, эътироф этиш керакки, ўтган даврда қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилган.

Масалан, «Тadbиркорбанк» томонидан жорий йилнинг 1-ярми давомида молиялаштирилиши лозим бўлган лойиҳалардан 50 млн. сўмлик бўлган 28 та лойиҳа ўз ҳолича қўлиб кетган. Фикримизга қўйидаги мисол далил бўла олади. Урганч шаҳридаги «Шарқ» хусусий корхонасига тиквучиликни ривожлантириш учун 5 йил муддатга 5 млн. сўм «Бизнес-фонд» орқали имтиёзли кредит ажратилиши тўғрисида қарор қабул қилиниб, барча тегишли ҳужжатлар тақдим этилган бўлса-да, фонд томонидан ушбу лойиҳа молиялаштирилмасдан қолган.

«Тadbиркорбанк»нинг Булунғур тумани раҳбарлари «Шоди бобо» фермер ҳўжалиги-

Собиқ шўролар замонида бир кuni Бағдод туманида яшайдиган қариндошимиз фиғони фалакка чиқиб кириб келди.

— Суриштириб-суриштириб «ДОСААФ»дан иш топгандим, уям бўлмади, — деди Минаввар опа. — Ҳамма ҳўжатларни тўғрилаб, райондан йўлланма билан келсам «Рус тилини билмасакансиз, ишга ололмаймиз», дейишди.

— Шаҳарда майли, районда нимага керак экан русчани билиш? — деб ҳайрон бўлдим.

ТИЛИМИЗДАН АЙРИЛИБ ҚОЛАЁЗГАНДИК...

— Иш русча юритиларкан, бухгалтерия ҳисоботларини русча тайёрлаш керак эмиш. Урганволарман, десам ҳам кўншимади. Тавба, Ўзбекистонда яшаб туриб, тил билмайсан деб ишлатмаса? Бораман, борадиган жойимга!

— Фойдаси йўқ, — деб уни йўлдан қайтардим.

Чунки, «обкўм»-у «райкўм»дан тортиб барча катта-кичик идораларда, шу жумладан, ҳўқуқ-тартибот идораларида иш, хусусан, ҳўжат ишлари юз фойз рус тилида юритилар. Минаввар опа юқорироққа арз қилган чоғда ҳам айнан шундай жавобни олاردим...

70-йилларнинг бошида, мактабда ўқиб юрганимизда идоралар, магазинлар пештоқидаги ёзувлар, кўча-кўйдаги шiorлару плакатлар икки тилда — аввал русча, кейин ўзбекча эзиларди. 80-йилларнинг охирига келиб бу ҳам йўқола борди, ҳаммаси битта тилда - рус тилида эзиладиган бўлди. Районларда, қишлоқларда йиғилишлар, мажлислар ўзбек тилида юритилса-да, областга, республикага кетадиган баённомалар русча эзиларди. Шаҳарларда-ку, маҳалла қўмиталаридан ташқари ҳамма ҳойдаги мажлислар русча ўтказиларди.

Корхоналардан бирига бориб, кадрлар бўлими бошлиғи билан гаплашиб ўтиганимизда хонага ёшроқ бир йигит кириб келди. Политехника институтининг механика факультетини битириб, йўлланма билан келган экан. Русчани эглаб айтолмагани учун мен таржимонлик қилиб

турдим. Кадрлар бўлимининг бошлиғи муҳандиснинг дипломига қараб ҳам кўймади.

— Без знания языка у нас не сможете работать, — деди. Дарвоже, корхонада барча ишлар рус тилида юритилар, мураккаб қимёвий жараёнларга оид барча қўлланмалар, йўриқномалар русча эди.

Тарвузи қўлтиғидан тушган йигит индамай чиқиб кетди...

Саноат шаҳри ҳисобланган, юздан ортиқ миллиат вакиллари истиқомат қиладиган Фарғонада Ўзига хос «шева» вужудга келган, русча ва ўзбекча сўзларни қорштириб гапириш кўникмаси ҳосил бўлган эди.

Маиший турмушда ҳам русча сўз ва иборалар ўзбек сўзларини суриб чиқараётганди. «Тушликка борасизми?» дейиш ўрнига «Обедга кетдик», «Кел, бугун кинога кирайлик», ўрнига «Давай, кинога борамиз» деб «кишлоки» эмас, «шаҳарлик» эканлигини баъзан беихтиёр таъкидлаш одат тусига кирганди.

Уша даврларда ҳам она тили учун қайғурганлар йўқ эмас, бор эди. Устозларимиз бир воқеани қўлиб гапириб юришади. «Коммуна» (ҳозирги «Фарғона ҳақиқати») газетасида олтиминичи йилларда «Улама дарахт» сарлавҳали бир шеър босилиб чиққан экан. Уша кўнўёқ муҳаррири «обкўм»нинг биринчи секретари ҳузурига чақиртирибди. «Ким ўша провокатор? Бугунқоқ об-ластандан кўчиртирвораман!», дебди. Ҳақиқий, «провокадор» — тилимизга улама дарахтнинг меvasи каби нордон, бетамиз сўзлар қўшилиб қолаё-

тганига шаъма қилиб, таъсирчан шеър ёзган шоир Қирғизистоннинг ўш вилоятидан экан.

Йўқ, мен «соф тил» тўғрисида баҳс юритмоқчи эмасман. «Соф тил»нинг ўзи йўқ. Асрлар мобайнида ўзбек тили араб, форс, сўнгги асрда эса рус тили эвазига яхши маънода билиб борган. Рус тилининг ўзи ҳам лотин, француз, инг-

лиз, қолаверса, туркий тиллар ҳисобига бойиб, ҳозирги даражага кўтарилган. Ҳа, мен рус тилини яхши кўраман, кадрлайман. Ушбу тилининг илм-фанимиз, санъатимиз, маданиятимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси беқиёс. Бироқ, 80-йилларнинг охирида она тилимиз жамиятдаги ўз мавқеини йўқотганидан ҳам кўз юмолмаймиз. Фақат истиқлол тўғрисида, ўша «маҳаллий тил» — ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди ва жамиятдаги ўз ўрнини эгаллади.

Мустанқиллигимиз тўғрисида, истиқлол тўғрисида жамиятда турлича қарашлар, нўқтани назарларга дуч келамиз. Бу табиий. Чунки, демократик жамият айнан эркин фикрлар, баъзан бир-бирини инкор этадиган гоя ва нўқтани назарлар баҳси, тўқнашув жараёнида тараққий этиб боради. Баъзан нарх-наволари қийсалаб ўтмишни кўмса ҳоллари ҳам учрайди. Бироқ, ўша «тайёрга айёрлик», дангасалик, му-теллик қон-қонимизга сингиб кетган даврлардаги «қоринга эмас, қадримга йиғилмаган» деган, ҳар қадамда учраб турган ҳолатларни ҳам унутмаслигимиз зарур. Бугун эса ҳар бир ўзбек фарзанди истиқлол шарофати билан қадр-қимматини топан она тилимизда «шу кўнларга етказганим учун шўқур», дея шукроналар айтмоқда.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Хўқўқ»нинг Фарғона вилояти
бўйича муҳбири

ТАДБИР МУАММОЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Тошкент шаҳар прокуратурасида идоралараро мажлис бўлиб ўтди. Мажлисда шаҳар прокуратураси ва шаҳар ички ишлар бош бошқармаси фаолиятида статистик ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш, қонунчиликни мустаҳкамлаш ҳамда жиноятчиликка қарши қўрашда таҳдидот имкониятларидан фойдаланиши масалалари атрофлича муҳокама этилди. Ўзбекистон Республика прокуратураси ташкилий назорат ва таҳдидот бошқармаси катта прокурори В.Н.Вичинский статистик ҳисоботларни юритишда учраб турадиган камчиликлар ҳамда бу борадаги йўриқномалар келиб чиқадиган вазифалар ҳақида ахборот берди. Мажлисда шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ахборот маркази, туман ички ишлар бўлими бошқаруви ва туман прокурорларининг статистик ҳисоботларни юритиш жараёнидаги камчиликлари ва мавжуд муаммолари юзасидан ҳисоботлари тингланди. Статистик ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини таъминлашга ҳамда масъул ходимларнинг жавобгарлигини оширишга қаратилган қарор қабул қилинди.

(Ўз муҳбириимиз)

ДИСЛОМОВ

МУНОСАБАТ

ТИНЧЛИГИМИЗ - ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Ҳозир Республикаимизнинг жанубий чегарасида осийишталик бироз бўзилган пайт. Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё ва Ўш туманларидаги баланд тоғ қишлоқларида Тоғжонистон орқали суқилиб кирган босқинчи гуруҳларнинг хунрезликлари халқимизнинг қаттиқ нафратига учради. Террорчилар албатта йўқ қилиб ташланади. Бунга армияимизнинг қудрати етади.

Диний экстремистлар қонли тўқнашулар келтириб чиқариш билан чекланмай ўзларининг фўқларига ҳасадли билан одамларни, айниқса, ҳали онги шакланмаган ёшларни захарлаб, ўз сафларига қўшиб олишга уринмоқдалар.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ўтказилган текширишларда туманимизда диний экстремистик, хусусан, «ваххобийлик», «Ҳизбут-таҳрир» оқимларининг аъзолари фўш қилинди. «Ваххобийлик» оқимига кириб қолган, «Шарқ Юлдузи» қишлоқ фўқларол йигинининг Қизилқўк қишлоғида яшаган ака-ука Илҳом ва Эркин Юсуповларга нисбатан ҳозир қидирув эълон қилинган. Ушбу қишлоқда яшовчи бир неча шахс эса қилган жиноятлари учун турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди.

Айрим қишлоқларнинг мустақиллигини кўрмалай, конституциявий тузумимизга қарши ташвиқот ва тарғибот ишларида қатнашаётганликлари кўрнамалиқдан бошқа нарсасиз. Ана шундай шахслардан бири «Бирлашган» қишлоғида яшовчи Тўлқин Мамаатхондир. Фўқлароларнинг Ўзбекистон Респуб-

ликаси ҳудудий яхлитлигини бузишга очикдан-очик даъват қилиб юрганликда гумон қилиниб, шу йил 5 август кунининг уйи кўздан кечирилганда қонунга хилоф равишда сақланаётган «Ҳизбут-таҳрир» наشريётида чоп этилган варақа ва китоблар топилди. Унинг ҳамжишлогини Абдурақиб Тутабоёвнинг уйдан ҳам ана шундай варақа ва китоблар далилий ашё сифатида олинди.

Сафарлигимиз ана шундай унсурлардан тезроқ тозаланса, миш-мишларга ўрин қолмайди. Шундай экан, тинчлигимиз ўз қўлимизда, уни асраб-авайлашимиз керак. Шу мақсадда туман прокуратураси туман аҳолисига мурожаат қабул қилди. Унда мустақиллигимизни кўрмалаётган кимсалар ҳамон бор экан, уларга қарши кескин курашимиз лозимлиги, тинчлигимизни сақлаш ҳар биримизга бoғлиқ экани, ҳар бир киши ўз зиммасидаги масъулиятни янада тeрaнpoқ ҳис этиши, қонунларни ҳурмат қилиши ва унга бошқаларнинг ҳам бўйсунушини назоратла олиши, жиноятга жазо муқаррар экани, Ватанга хиёнат қилганлар ҳеч қачон кечирилмаслиги таъкидланади.

Ушбу мурожаат туман ҳокимлигида ўтказилган фаоллар йигилишида ўрганилди. Қишлоқ ва маҳалла фўқларол йигинларида ҳам бу мурожаат йигилишларнинг кун тартибига қўйилмоқда. Уларда сўзга чиққанлар диний экстремистларнинг сўзларига кириб, тинчлигимизга раҳна солмоқчи бўлган айрим юртдошларимизнинг хатти-ҳаракатларини қораламоқдалар. Уларни қилган гуноҳлари учун кечирим сўраб, озод Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун ҳалол меҳнат қилишга қачирмоқдалар.

Туманимиз Қирғизистоннинг Акси ва Олабўқа туманлари билан чегарадош. Чегарадаги асосий майдонларни тоғ ва адирликлар ташкил этади. Уларда хуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ходимлари, божбончилар ва аскарлар ўз постларида кеча-кундуз хушёр турибдилар. Туманимизга қурол ва наркотик модда олиб киришга уриниш ҳолатлари устидан мустаҳкам назорат ўрнатилган.

Президентимиз таъкидлаганларидек, ташқи душмандан кўра ички душман хавфлироқ, шунинг учун уларнинг ҳар бир ҳаракатидан огоҳ бўлиш, қилмишига ўз вақтида зарба бериш лозим. Ички душманлар бу ёнимизда юрган ватан ҳоинларидир. Биз доимо бундайлардан огоҳ ва хушёр бўлишимиз керак.

Шокиржон МИРЗАЕВ,
Янгиқўрган туман прокурори

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

КИРОВНИ СУҚКАН ЭМИШ...

Буни нафақат биз - Ўзбекистон халқи, балки жаҳон жамоатчилиги ҳам тан олмоқда. Айримлари қизикиб, бошқалари ижиганиб, баъзилари ҳасад, яна бирлари ҳавас билан Ватанимизда юз бераётган яратиш, яшаш, қуриш ва янгиланиш жараёнларини кузатиб турибди.

Тарих саҳифаларига назар ташлар эканмиз, миллатимизнинг фахри, асл фарзандлари бўлган Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий ва бошқа фидойий инсонлар халқимизнинг асрий орсуси бўлган истиқлолга эришмоқлик йўлида курашиб, зулм ва зуравонликка асосланган мустабидлик тузуми қурбонларига айландилар.

Мустақиллик туфайлигина уларнинг номлари оқланди, адолат тарозиси қайта тикланди.

Қатагон йиллари ўзининг зулмат домига нафақат шу даврнинг илғор зиёлиларини, балки сиёсатдан узоқ бўлган минглаб оддий халқ вакиллари ҳам тортиб кетганлиги аён бўлмоқда.

Шу босидан, эътиборингизни ўша машъум йилларнинг бир аянчли воқеасига жалб қилмоқчиман.

Республика ҳарбий прокуратурасига фўқаро С.Раҳмонов ариза билан мурожаат қилиб, отаси Азиз Раҳмонов ҳарбий хизмат даврида қатагонга учраганлигини, шунинг учун уни оқлаш масаласини ҳал этишни сўраган эди.

Азиз Раҳмонов устидан қўрилган жиноят иши тегишли архивдан қидириб топилди ва суд ҳукми қонунийлиги ҳар томонлама, синчковлик билан, ўша пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан батафсил ўрганиб чиқилди.

Жиноят иши ҳужжатларини варақлар эканман, кўз ўнгимда инсон ҳуқуқлари, кадр-қимматлари топталган ўша дахшатли йиллар гавдаланди.

1937 йилнинг қаҳратон декабрь ойи, Қатагон йилларининг чўққига чиққан палласи. Мамлакатда оммавий равишда «халқ душманлари», «жосусларни», «қўпуровчиларни» фўш қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Самарқанд шаҳрида жойлашган ҳарбий бўлинмада Сурхондарё вилоятининг тоғли Бойсун тумани Сайрон қишлоғида тутилган Азиз Раҳмонов Қизил Армия сафида ўз йигитлик бурчини ўтамоқда эди.

Унинг бирдан-бир орсуси муддатли ҳарбий хизматдан сўнг ҳарбий ўқув юртинларининг бирига ўқишга кириб командир бўлиш, юрт

Истиқлол. Қанчалик буюк нёъмат. Истиқлол туфайли миллий қариятларимиз тикланди, ўзлигимизни англай бошладик, онгимиз ва тафаккуримизда тўб ўзгаришлар юз берди. Ураг ўқоқларга бой ҳар бир йил, ой, кун янгидан-янги ташаббуслар, изланиш, ижод ва яратиш маҳсулларини жамиятимиз, халқимизга тақдим этмоқда. Энди ҳар бир фўқаро эртанги кунини аниқ ва равшан қўриб турибди. Ўзининг ҳам, мамлакатнинг ҳам келажаги буюклигига ишонч билан қарамокда, аниқ мақсад ва қатъий ирода билан мустақиллик йўлини, тўб ислохотлар жараёнини қўллаб-қувватламоқда.

тинчлиги ва осийишталиги учун хизмат қилиш эди.

Афсуски, у ўз орсусига ета олмади, мустабид тузумнинг шафқатсиз қирмига дучор бўлди.

НКВДнинг Азиз Раҳмоновга айб эълон қилиш тўғрисидаги қарорини ўқир экансан, коммунистик мафкуранинг ўзгача фикр-мулоҳаза қилишни таҳрирлаш, инсон қисматига бефарқлик билан муносабатда бўлиш, уни итоаткорона руҳда тарбиялаш каби машъум гоъяларидан ҳайратда қолсан киши.

Маълум бўлишича, НКВД Азиз Раҳмоновни 1937 йил 2 декабрь кунини «Ленин бурчаги» хонасида газета ўқиётиб, большевиклар коммунистик партияси сиёсий бюроси аъзоси бўлган С.Киров хотирасига бағишланган маколани ва суратини қўриб қолиб, унинг шаънига ҳақоратли сўзлар айтганлиги учун аризма баҳона билан, ушбу сўзларга сиёсий тўс бериб, гўёки С.Кировни «ақилинчиқлиб тоқийди» руҳида ҳақоратлаганликда, бу билан Совет тузумига зарба бериш, уни заифлаштиришга даъват этиб, Советларга қарши тарғибот ва ташвиқот қилган деб айблаб, ҳарбий трибуналга берган.

Буни қарангки, дастлабки тергов жараёнида ўша маҳалларда амалда бўлган жиноят-процессуал қонуни талаблари қўпона равишда бузилиб, атиги бошлангич маълумотга эга бўлган, узоқ бир тоғли қишлоқдан ҳарбий хизматга қачирилган, рус тилини яхши билмайдиган оддий аскар Азиз Раҳмоновга ўз она тилида кўрсатмалар бериш ва таржимон олиш ҳуқуқлари таъминланмаган, жиноят иши бўйича барча тергов ҳаракатлари рус тилида, таржимонсиз олиб борилган. Бунинг сабаби эса собик иттифок таркибига кирган миллатлар тилларини менсимаман «буюк оға» тилининг ҳукмронлик қилганлигидир.

Жиноят ишида маъхўд бўлган ҳужжатлардан қўрилиб турибдики, НКВД терговчилари Азиз Раҳмоновга эълон қилинган айбини унинг бўйнига қўйиш учун бор куч-ғайратлари билан ҳаракат қилишган. Бўқин сабабини эса 1929 йил 7 октябрь тахриридаги ЎЗСР жино-

ят-процессуал кодексининг 113-моддасида қайд этилган ҳуқуқий меъёр тушунтириб беради. Унга кўра, агарда судланувчи ўзига қўйилган айбини қўлинига олганлигини суд жараёнида билдирса, суд суд терговини ўтказмасдан судланувчининг охириги сўзини эшитиб, ҳукм қилариш учун маслаҳатхонага чиқи кетиши мумкинлиги қўрсатилган.

Қўрилиб турибдики, ўша пайтдаги қонун ҳужжатлари ҳам қатагон сиёсатини амалга ошириш учун махсус мослаштирилган. Азиз Раҳмонов эса айби йўқлигини, гувоҳлар унга нисбатан тўхмат қилишаётганлигини, ҳеч қачон Совет тузумига қарши тарғибот ва ташвиқот қилмаганлигини кўрсатса-да, ушбу ҳолатлар умуман текширилмаган, тергов факат бир томонлама, айблов нуктаи назаридангина олиб борилиб, жиноят иши қиска муддатда тамомланиб, ҳарбий трибуналга юборилган.

Азиз Раҳмоновнинг энди охириги умиди «одил суд»дан эди, аммо суд жараёнида ҳам қонун талаблари бузилишлари давом этиб, жиноят иши ҳар томонлама, тўлиқ, ҳолисона қўриб чиқилмаган.

Суд мажлиси ёпиқ ҳолда, томонлар иштирокисиз ўтказилиб, Азиз Раҳмонов қўйилган айбга икор бўлмадсан, НКВД терговчилари гувоҳларни мажбур қилишиб, ўзлари айтиб туришиб кўрсатмалар олишганлигини билдирган. Аммо судланувчининг бу вахжлари умуман текшириб чиқилмаган, унинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги аққол қўрииб турганлигига қарамасдан, ҳарбий трибунал уни 5 йил озодликдан маҳрум этиш ва 2 йил муддатга сиёсий ҳуқуқларини чеклаш тўғрисида ҳукм қилди.

Республика ҳарбий прокуратураси томонидан мазкур ҳукми бекор қилиш ва Азиз Раҳмоновни тўла равишда оқлаш тўғрисида Республика Олий Судига протест киритилди.

З.ШОДМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси, бўлим бошлиғи

БАЙРАМ ИНТЕРВЬЮСИ

СЕН МУСТАҚИЛЛИККА НИМА БЕРДИНГ?

9 йил. Айтишга осон. Аммо, тан олиб айтиш керакики, бу давр мобайнида юртимизда амалга оширилган ишлар асрларга татигуликдир. Уларни санаб ўтишнинг эса зарурати йўқ. Ўзини шу юрт фўқароси деб билган ҳар бир киши бу ўзгаришларни қўриб, билиб, ҳис этиб яшамокда.

Очиғи, бугун сизга демокчи бўлганимиз бу ҳақда эмас. Истиқлолга эришганга, кўпчилик орасида «Мустақиллик менга нима берди?» деган савол тез-тез учраб турарди. Ва турган гапки, бунга ҳар ким ўз нуктаи-назаридан келиб чиқиб жавоб беради. Назаримда бугун ушбу саволга жавоб беришнинг ҳожаги қолмагандек. Негаки, 9 йил давомида мустақиллик шабадасидан, эрк, озодлик таъминдан баҳраманд бўлган халқимиз мустақиллигининг улғў нёъмат эканлигини англаб бўлди.

Ўшунда гап нимада? Гап шундаки, бугун мустақиллик бизни сўроққа тутмоқда. «Сен мустақилликка нима бердинг?» Куйида ана шу саволга олинган баъзи жавоблар билан танишасиз.

Мушарраф МУСАЕВА, Бойвўт туманидоги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси :

— Француз тилидан дарс бераман. Ўқувчиларим ҳар йили туман, айлёт олимпиадаларида биринчилиқни олиб келишади. Тажрибаларимдан келиб чиқиб француз тилини ўқитиш босида турли методик қўлланмалар чоп этирдик. Ҳозирги кунда Халқ таълими вазириги томонидан белгиланган француз тили бўйича тажриба-синов майдончасида баҳоли қудрат меҳнат қилаялман.

Маърифатпарварларимиздан бири «Таълим — биз учун ё ҳаёт, ё мамот» деган экан. Ҳукуматимизнинг таълим соҳасида олиб бораётган саъй-ҳаракатларини, ўқитувчиларга нисбатан эътиборини ҳар қадамда ҳис этиб турибмиз. Мустақиллик туфайли ёшларимиз чет давлатларнинг нуфузли илм даргоҳларида ўқиш шарафига муяссар бўлишмоқда. Улар эртага юртимизнинг тараққиёти учун хизмат қилишларига шубҳа йўқ. Оддий бир муаллим сифатида ёшларга илм бериб, уларнинг ана шу доволарни забт этишларига илк пойдеворни қўяётганимдан ўзимни бахтиёр, деб биламан.

Пўлатбек САРДОРОВ, курувчи :

«Ўзбек бойиса уй қуради», дейишади. Бугун юртимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини қўриб қўзинг қунайдиги. Қайси қишлоқ, қайси туманга борманг, бирор - бир янги ишшоотнинг устидан чиқасиз. Бу нимаининг натижаси? Албатта, мустақиллиқнинг-да.

Шаҳсан ўзимга келсан, ана шу бунёдкорлик ишларида озгина бўлса ҳам ҳисса қўшаётганимдан беҳад мамнунман. Пешона теринг эвазига бунёд бўлган биноларда хонадон эгаларининг хурсандчилиги, болаларнинг шодон қийқириғини эшитиб чарчоларинг чиқи кетади. Шу дамда бугунги тинчлик, осийишталикка шукроналар айтнинг келади.

Ж. ШАРОФБОВ ёзиб олди.

«ХУҚУҚ»ДА БОСИЛГАЧ...

«УЙГА МУҲТОЖМИЗ»

(«ХУҚУҚ» 27-СОН, 2000 ЙИЛ)

Мазкур мақола ҳазидан яқинда Темирийўл туман прокуратурасидан қуйидаги жавобни олди.

Самарқанд шаҳри Акмал Икромов кўчасидаги 36-уй, 33-хонадонда яшовчи Нишон Шакаронинг «Хуқуқ» газетасида чоп этилган «Уйга муҳтожмиз» мақоласи Темирийўл туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилиб, текширилди.

Аниқланишича, фўқаро Нишон Шакаронинг имтиёзи биланбатта турганлигини инобатга олиб, унга 2000 йил 22 июль кунини Самарқанд шаҳар Сўғдиёна маъзасидаги 11-уйнинг 1-қаватидан 2-хонали 22-квартирани ажратиб берди.

М.БЕКМУРОВОВ,
Темирийўл туман прокурори

ОНА БИТТА, ВАТАН — ЯГОНА

ОЗОР КЎРДИЖИМИ, ЗАВБОРАМ МОҒЛААР?!

Юртимизнинг тоғли сарҳадларида бемаврид пайдо бўлган ғайри излардан наинки маҳаллий аҳоли тинчлигига, балки, табиат ривожига ҳам маълум даражада пугур етказилмоқда.

Лолалар унган кенгликларимизга жондек азиз фарзандларимизнинг шахид қонлари тўкилди.

Хўш, мустақил Ўзбекистонимиз дахлсизлигига зарар етказмоқчи бўлган халқаро террорчилар ва уларнинг ювиндиҳўрларининг мақсад-муродларида қандай мантик бор?

Қолаверса, Она-Ватан ҳимоясига кўксини қалқон қилишга шай мард ва жасур лочинларимиз ҳамда маҳаллий тоғ аҳолисининг энг буюк байрам арафасидаги қайфиятлари қандай?

Ана шу масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида махсус мухбиримиз яқинда террорчиларни тутатиш ҳаракатлари давом этаётган Узун ва Сарисий туманларида бўлиб қайтди.

ЭНГ АЯНЧЛИ ҚИСМАТ

Ватан меҳри бекиёс туғу. Она юрт, ҳатто она қишлоқдан олисроқ манзилга отланганингизда, қалбингиз тўрида алланима чирт этиб узилгандай бўлади.

Чет эл сафаридида эдик. Шаҳар чекка оромоғхларидан биридаги нуфузли даврада ўтирдик. Марокки бу давра қанча вақт давом этмасин, зеркиш асло сезилмасди. Шу пайт нигоҳим ястанган гулзорлар адоғида кўкка бўй чўзган, шом насимида оҳиста чайқалаётган теракларга тушиб қолди. Қизик... Бу тераклар нимаси биландир олис юртдаги она қишлоғим табиатини, меҳру тароватини ёдига солиб қўйганди. Сокин чайқалишлар ортдан меҳрибон иниларим, суқоли фарзандларим сиймоси намоён бўлаверди. Шу бўлди-ю, ёб-инча-шом ҳам татимай қолди. Ватан соғини олдида дилқаш давралар, қадрдонлар суҳбати қилчалчи кўрмасди. Уша тундаёқ Ўзбекистонга жўнаб кетишга мажбур бўлдим. Истаган вақтда таширф буюриш бахтига мушарраф бўлган талаягина Ватандан айро кўнгишлар қисмати-ни ана ўшанда тушуниб ета бошлаганман...

Узга юртда шох бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл, дейди машаиқларимиз. Фақатгина қабоҳат ботқоғига боғган, разолатни касб қилган кимсаларгина бундай ҳис-туйғулар, тушунарлардан йирқидилар.

Бунини унинг-ўсган юртини, ёру биродарларини аллақачон сотишга улгурган Жума Намангоний, Тоҳир Йўлдошга ўшаган ашаддий юрт-фурӯшлар тушунармикан?!

Фақат ўзлари учунгина азиз ҳисобланган тану жонлари дайди итдек, қайси бир манзилларда макон топиши ҳақида ўйлаб қўришмадиммикан улар?

Бу — оғир масала, энг аянчли қисмат...

ОЗОД ЮРТ ЎҒЛОНЛАРИ

Сариосий туманига етиб келганимизда мамлакатимиз Президентининг машҳур ҳудудда таширф буюришлари ҳақидаги ҳиснуд хабар оғиздан-оғизга кўчиб юрди. Маҳаллий аҳоли ҳудуд оқсыйишлиги йўлида тўб ўзгаришлар оқ беришига катта умид кўзлари билан қарарди.

Ниҳоят... Мамлакатимиз раҳбарининг халқаро террорчиларни тутатиш операцияси давом этаётган туманларга таширфи бошланди. Шу кун шариоти оқсидан ҳоплатларини ўрганган экан, Президентимиз ҳар бир омили устида батафсил тўхталиб ўтдилар.

Ватанимиз сарҳадларини қўриқлаётган юрт посбонлари билан Президентимиз оталарча меҳру муҳаббат билан очик сўзлашдилар.

Биз Бирлашган Қуролли Қўчларимиз Бош штабидида ҳозиргина юрт раҳбари билан юзма-юз гаплашган бир неча аскар ва офицерларни суҳбатга тортидик.

Бахтиёр ХОЛЕБЕКОВ,
катта лейтенант:

— Босқинчилар тўдаси суқилиб кырган тоғли ҳудудларга биринчилардан бўлиб ҳимояга отланган эдик. Ҳозирда душманнинг олдинги шиддатидан асар ҳам қолгани йўқ.

Мухбир ака, бу қўчларимиз беқордан-беқорга муштар айланган йўқ. Ёш ҳазон бўлган елкадошларимизнинг ҳар бири учун қасос оламиз.

Чори РАЖАБОВ,
бўлима офицери:

— Тошкентда яшасам-да, асли сурхондарёликман. Террорчиларнинг қилмишларидан газабга тушдим. Ахир билгадига кучи бор мард инсон юрти, оиласи, болалари тақдирини ғайри қўчлар ихтиёрига бериб қўйрқамми?

Утган йили Янгиободда ҳам террорчилар билан жанг қилган эдик. Террорчилардан қўйиқилган, уларга ён берадиган анойилар бизда йўқ.

Суҳбатимиз қизигандан-қизиди. Шухрат Хусайнов, Жамшидхон Аҳадов, Исмаил Аҳмадалиев сингари ўпюррак ўғлонлар юртимиз оқсыйишлигини таъминлаш йўлида, агар зарур бўлса, жонларини ҳам аямасликларини айтдилар. Айниқса, улар Президентимизнинг оталарча кўл сикиб, елкаларидан тўтиб суқбатлашганидан, «Душман қуролдан ун чандон кучли қуролларингиз бўлади», — дея далда беришларидан вужудлариди енгилмас куч пайдо бўлганлигини заёк билан сўзлаб бердилар.

ҚУРЪОН УРҒАН МУЖОҲИДЛАР

Маълум бўлишича, шу йил 29 июль кун Сариосий ИИБга Сўфийе қишлоғида яшовчи фуқаролар келишиб, бир неча кун олдин номмаълум шахслар томонидан олти нафар қўлон ҳамда 40 бош қўй олиб кетилганлигини билдиришган.

Ўзбекистон ИИБ Жиноят қидирув Бош бошқармаси бўлиб боғлиғи, подполковник Жўрабек Раҳматовнинг маълум қилишича, ун кун мобайнида аҳоли яшайдиган тоғли ҳудудларда кенг қамровли қидирув ишлари олиб боришган.

— Зевар қишлоғидаги қўлон отарлиларда бўлганида, таниш кроссовка изларини учратиб қолдим, — дея эътироф қилади Жўрабек ака биз билан суҳбатда. — Бу излар 1999 йил 15 ноябрда юз берган Янгиобод воқеаларига сабаб бўлган ватанфурӯш жангарилар изларига айнан мос тушарди.

Жангариларнинг асосий мақсадлари Ўзбекистонда қўпуровчилик ҳаракатларини амалга ошириш, наркотик моддалар ташиш учун йўл очиш, қурол-яроғ, ўқ-дори, озик-

овқат омборларини ташкил этиш, шунингдек, Ислам давлатини барпо этишдан иборатдир. Уйланиб қолсан киши, бутун бошли мамлакат барқарорлигини йўқотиш, халқига жиҳод эълон қилиш йўли билан ҳокимиятни босиб олишдек қабих, қонли йўлни танлаган ўша аламзадаларнинг руҳид эканлигига қандай ишониш мумкин? Бир қўлида қурол, бир қўлида Қуръон тутган бу ноёқор хунрезлар Оллоҳ газабига учрашдан қўрқмадиларми?

Ҳарбий округ прокурори, адлия подполковниги Фарҳод Омоновни Бош штабдаги ишонқисада учратдик. Ҳарбий прокурорнинг айтишича, ит ўлимини толган мужоҳидларнинг енларидан топишган турли қурол-проқлар, ўқ-дорилар, дори-дармонлар, тиббий ердан қўрсатиш асбоблари билан бирлиқда, 7 дон турли ҳажмадига Қуръон китоби, араб, тожик ва ўзбек тилларида битилган дарслик қўләмалар ҳам топишган.

Сурхондарё кенгликларидида қўйи Боботог ортидан қўйиб, Бойсун тоғлари ортига бош қўйди. Бойсун тоғлари эса, шундоққина Хисор ва Ургут тоғларига елка тутиб туради.

Агар туташ ҳудудларда жойлашган туманлар шариотини ҳисобга оладиган бўлсак, аҳолининг талайгина қисми тоғ ёнбағирлари қишлоқларидида умргўзоронлик қилиб келишди.

Ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган Хисор тоғларининг бир қаноти Олтинсой туманига қарашли. Ушбу биргина туман ҳудудидида Вахшивор, Лўкка, Бединаво, Кичик Вахшивор, Тўхтамиш, Чинор, Зардақул, Оқсув, Ховуз, Хўжайшон, Пангат, Бештахта, Кетар қаби ўнлаб қишлоқлар бор. Бу қишлоқларда истикомат қилувчилар туман аҳолисининг таҳминан неча фоизини ташкил этишини тасаввур қилаётгандирсиз. Ана шу тоғ бағирларидида мавжуд бўлган қор, қавақлар оғзини беркитиш, дайидган террорчилар бир кун келиб «ин» қўриши мумкин бўлган қилват ва ўнгирларни тутатиш юзасидан олиб борилаётган ишлар қандай уудаланаётган?

Бу ҳақда Олтинсой туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Нуриддин Хусановнинг сўзларига қулоқ тўтайлик-чи:

— Ёвнинг иши пайт пойлаш, орқада тиг санчидан иборат. Агар очик айтидиган бўлсам, тоғларимиз террорчилар учун тайёр бошпанга айланиши мумкин. Жойлар кам эмас. Туман ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Рустам Алимов оғоҳликка даъват этувчи йўғилишда баҳариллиши лозим бўлган муҳим ишларни масъул шахслар жавобгарлигига қатъий топширган эди. Аммо мутасадди раҳбарлар бундан тегишли ҳулоса чиқариб олмаган қўринадиди.

«Хўжайлиот» зиёратгоҳи яқинида жуда катта қор бўлиб, унга кириш жойларини беркитиш муаммосини ҳал қилдик. Лекин бундай қорлар тоғларимизда ҳали қамми?

Ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган ҳудудлардан Сариосийнинг «Узун» ўрмонлиқ хўжайлиқ бағрига қўчириб келинган тоғлиқлар билан суҳбатлашганимизда лозим бўлган барча шарт-шароитлар яратиб берилганлигининг гувоҳи бўлдик. Уларнинг бошига тушган ташвишларни ўз ташвиши деб билган маҳаллий аҳоли барча соҳада ердан қўлларини чўзмақда. Фақулодда вазиятлар вазирлиги, Қизил ярим ой жамияти ва бошқа ташкилотлардан улуқсиз ёрдамлар келиб турибди.

Мансур АЛОВУДИНОВ,
«Хукук» мухбири
Тошкент - Сарисий -
Узун - Тошкент

«ХУКУК» 3 ЭМДА УЧ ЁШИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

«Хукук» Давлатимиз мустақиллигини тараннум этаётган, унинг қонунларини кенг шарҳлаб, ҳуқуқий тафаккуримизни бойтаётган, прокуратура идораларининг қўп қиррали ва шарафли фаолиятига ошқоралик бераётган сеvimли газетамиз олам юзини кўрганига ун йил бўлибди!

Уч йил... Бўни умрга қийсаса — қисқа, даврга тақосласа — узун қўринадиди. Бу ракам аслида рамзий маънога ҳам эга. «Уч паҳлавон», «Уч бор ерда кўч бор», «Уч киши бир бўлса, бири - Хизр». Ниҳог чонига келиндан розиликни уч марта сўрайдилар... Мухим, у рамзий бўлган 7, 9, 40 ва бошқа сонларнинг бошловчисига, дастлабкисига ҳисобланади.

Матбуотни ҳаёт кўзгусига ўхшатиш мумкин. Тўғри, вақт ўтиши билан кўзгү хиралашибди, синиши ҳам мумкин. Аммо газета ҳаммиса тирик яшайди.

«Хукук»нинг илк сонлари эсимизда. Зўр қизикли билан қўйиб олинган эди. Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари фаолияти билан қўпроқ боғлиқ бўлса-да, унинг нафаси мамлакатимиз узра ёйилди. Чўки сўзлари дадил, саҳифалари жонли, тили оддий, руҳи ҳам руҳимизга яқин эди. Шу тарика ҳаётимизга, қўйинки, вужудимизга кириб келди у. Вақт ўтиши билан унинг саҳифалари зарваракларга айланаяпти десак, муболага бўлмайди.

Агар бунга ишонч ҳосил қилмоқчи бўлсангиз, «Хукук»нинг тахмилларини варақланг. Уларнинг ҳар бири сизга кейинги уч йил мобайнидаги воқеаларни, ҳис-туйғуларни, ортиқчиликларни эслатади. Газетанинг ҳар бири сонини албатта танийсиз, эспайсиз, ундаги руҳият, услубнинг давомийлиги вужудингизни дарҳол қамраб олади.

Республикаимизда чиқаётган баъзи даврий нашрларни олайлик. Уларнинг айримлари нимадир етишмаётгандай туюлади. Биласиз, қозғоздан ясалган гулни ҳеч қим димоғига тутмайди — ҳиди йўқ, қақасига тақмайди — нафосати йўқ. Лекин ердан ўсиб-уңиб чиққан оддий гулни одам севади, ардоқлайди. «Хукук»даги оддийлик ва ҳаётийлик кишини ўзига тортади.

У ҳаётдаги турли жиноятлар, воқеалар мисолида одамларни оғоҳ этаётгандай, уларни яхшилик қилишга даъват қилаётгандай туюлади.

Жиноят... Ана жиноят... Бу ҳақда мақолалар қўп. Ортиқчилик қилмасмикан? Ахир булар дарадан бир томи-ку! Кичик томи бутун дарага тасҳирини ўртаста оладими? Балки қўпроқ яхшилик тўғрисида ёзиш керамикан? Қўпинча жиноят ҳуқуқнинг бузилишидан келиб чиқади, яъни унинг ўзи оқибатдир. Балки асосий эътибор «Хукук»га қаратилиши зарурдир... Янги қонунлар, фармонлар, қарорлар ҳақида халқимизга қўпроқ шарҳлар бериб борилиши керакдир...

«Хукук» ташкил қилиниши билан, барча прокуратура ходимлари учун «беллашув майдони» юзга келди: у «мақолати кодексига» айланди. Йил якунида эълон қилинган энг яхши мақолалар рўйхати ҳам шундан далолат беради.

Ҳоҳ прокуратура раҳбарияти, ҳоҳ таҳририати кимса прокурор ёки ёш терговчи бўлсин, барчасининг фикри эркин, мулоҳазали, ҳақ мактаби учун даро бўлишига эришиди. Сўратлардаги уларнинг хечқилари ҳам «Хукук»ка мос: ўйчан, ҳаётнинг қувончу ташвишларини бошдан кечирган, идрокли, масъулиятни ҳис қилган инсонлардир улар.

«Хукук»нинг муҳбирларини таърифлаш осон бўлмас. Ш.Ганиевнинг «Ишлашга русхат беринг», «Шариотнинг айби нима?», Ш.Едгоровнинг «Тасаввур», К.Жўраназаровнинг «Фурсат етди», Б. Улибобоевнинг «Прокурор протести адолатга хизмат қилади», Д.Халиловнинг «Домла Сайдалиев фалсафаси» ва бошқаларнинг журналист текширувлари натижалари ҳамда мақолалари билан танишиб, улардан қўп нарсани ўрганасиз.

Хукук, ҳуқуқий муносабатлар маданий, маънавий-ахлоқий қадриятлар билан ҳам қамбармас боғлиқдир.

Газетада эълон қилинган сеvimли ёзувчиларимиз Шароф Бобоев билан «Чарх-лапак», Машраб Бобоев билан «Кўнгли қўчалари» телесериаллари ҳақидаги суҳбатлардан ҳамон заъкланасиз, тасвирланасиз. Таърибли юстирлар, прокуратура фахрийлари билан савимий мулоқотлар ўзгача қизиқлиш ва мароқ билан ўқилади.

Митта хандалар, спорт ангиллиқлари, кроссвордлар газетанинг ранг-баранг ва қизиқарли қиқшини таъминлайпти.

Бир сўз билан айтганда, «Хукук»ни ўқиганлар дармонда, ўқиманганлар армонда. Фурсатдан фойдаланиб, «Хукук»нинг бутун жамоасига сихат-саломатлик, машаққатли ва зағу ишларида улкан зафарлар тилайман!

Мухтор ШОДМОНОВ,
Республика прокуратураси
ташкилий-назорат ва таҳлилот
бошқармаси бошлиғи ўринбасари,
адлия кичик маслаҳатчиси

БАЙРАМГА БАЙРАМ УЛАШСИН

Ўзим шу соҳада ишлаганим учун «Хукук»нинг деярли ҳар сонини қолдирмай ўқиб бораман. Оддий ўқувчи сифатида айтишми мумкинки, мамлакатимизда чоп этилаётган ўнлаб ҳуқуқий нашрлар орасида «Хукук»нинг алоҳида, эътиборга молиқ ўрни бор. Шахсан мени газетадиги «Таҳририят хатқутисидан», «Хуқуқий маслаҳатхона» рўкинда берилаётган материаллар жуда қизиқтиради. Шунингдек, «Гурунг» рўкинда машҳур кишилар билан бўлаётган суҳбатларга ҳам бефарқ эмасман. Шоир Усмон Аҳим, хонанда Маҳмуд Номозов билан бўлган суҳбатларни ўқиб хурсанд бўлдим. Аммо бир тақдирим: шоирлару санъаткорлар билан чекланиб қолмиш керак эмас, назаримда. Бу рух қўнчилиқ газеталарда мавжуд ва улар ҳам шу жиҳатдан чекланганлар. Юртимизда машҳур олимлар, ихтирочилар, ўқувчилар, шифокорлар йўқми? Ҳатто машҳур жиноятчи билан қилинган суҳбат ҳам ўқувчилар учун қизиқарлидир.

Мавриди келганда яна баъзи бир тақдирларимни билдириб ўтсам. Газетада сўз очкерлари қўп берилади, аммо баён этилаётган жиноятни келтириб чиқарувчи сабаблар (тарбиявий, ирсий, руҳий) таҳлил этилмайди. Уларни бартараф этиш ҳақида аниқ тақдирлар билдирилмайди. Мен эса ўқувчи сифатида мақолалар воқеаларнинг қуруқ баёнидан иборат бўлиб қолишини истамайман.

«Хукук» маълум маънода ҳуқуқшунослик ва тилшунослик фанлари учрашадиган майдон. Шунинг учун газетада юридик тил ва атамалар шакллантириб борилса, нур устига нур бўларди.

Маълумки, фуқаролари ҳуқуқий жиҳатдан саводхон мамлакатдагина ҳақиқий демократия, тенглик қарор топади. Шу маънода «Хуқуқий маслаҳатхона»да қонун-қоидаларни қўчириб ёзиш ўрнига ўқувчига амалий ёрдам бериш керак. Масалан, пенсияга қиски учун, болалар нафасқисини тўғрилаш учун, бандкан кредит олиш ёки ҳуқуқий фирма очиш учун қандай ҳужжатлар тўпланиши, улар қаердан олиниб қаерга тақдим этилиши ҳусусида маслаҳатлар бериб борилса. Чўки газетанинг муҳлислари фақат юристлардангина иборат эмас.

Ортаг бир назар ташласак, «Хукук»нинг илк сони чоп этилганига ҳам 3 йил бўлибди. Таъхироти ходимларини ушбу сана билан чин дилдан қутлайман. Бу ёкда мустақиллигимизнинг 9 йиллиғи эшик қоқмоқда. Нима ҳам дердим: байрамларга байрам улашверсин.

Баҳодир СОТВОЛДИЕВ,
Тошкент шаҳар суди раёсати котиби

Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш йўлида олиб борилаётган муҳим ишларни амалга оширишда прокуратура идоралари зиммасига улкан масъулият юклатилган. Қонуларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилишдек масъулиятни вазифа, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларнинг бекаму кўст, муваффақиятли адо этилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралардаги малакали, виждонли, касбият садокатли, фидойи ҳодимларга боғлиқ. Республика прокуратураси кадрлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари М.Обидов билан бўлган суҳбатда ушбу масала қандай ҳал этилаётгани ҳақида сўз боради.

КАСБГА САДОҚАТ — БАТАНГА САДОҚАТ

— Президент Ислам Каримов шу йил 28 июль куни халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида ёш, билимли, иқтидорли, ўз Ватани ва халқига садоқат билан хизмат қиладиган кадрларни топиш, уларга масъул вазифаларни ишониб топшириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳамон бугунги кун талаби даражасида эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Мустақиллиқнинг сўнгги йиллари мобайнида Республика прокуратураси идораларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда қандай ишлар амалга оширилди?

— Мақсадимиз ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш экан, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши курашишда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг касб маҳоратларини мунтазам ошириб бериш, шубҳасиз энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Республикаимиз мустақилликка эришганидан буён юздан ортиқ қонун, қонун ости актлари қабул қилинди. Энди ана шу қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини назорат қилиш, жиноятчилик ва турли қўриқилмаган қонунбузарликларга қарши курашиш прокуратура идораларининг олдиға қўйилган энг асосий ва айни пайтда энг муҳим вазифалардан биридир. Шундан келиб чиққан ҳолда, мустақиллиқнинг ўтган даври мобайнида соҳада кадрларни амалдаги қонунлар руҳида тарбиялаш ва жой-жойига қўйишда тинмай изланишлар олиб боришмоқда.

Тизимимизда ишлайётган ҳар бир ходимнинг билими, малакаси, ишга бўлган иштиёқи ва қобилиятини янада шакллантириш мақсадида ходимларни «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳузуридаги махсус инспекция, қўйи прокуратуралардаги махсус инспекциялар ва прокурор-тергов ходимларни аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари асосида белгиланган муддатларда аттестациядан ўтказиб боришга алоҳида эътибор берилапти. Хусусан, 1999 йилнинг биринчи ярмида ўтказилган аттестация натижаларига кўра бир қатор

прокурор-тергов ходимлари лавозимига нолойик ёки етарли даражада лойик эмас деб топилган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич бирмунча яхшилانганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Жорий йилнинг биринчи ярмида ўтказилган аттестация натижаларига кўра фақат 2 нафар ходим эгаллаб турган лавозимига нолойик, деб топилди, 19 тасига эса қўшимча синов муддатлари белгиланди. Бу, албатта, ходимларнинг кейинги йиллар давомида ўзларининг касб маҳорати ва билимларини янада ошириш устида кўпроқ ишлайётганликларидан далолат бермоқда.

Ҳукуматимиз ва шахсан давлатимиз раҳбари кадрлар сафини ёш, серғайрат ходимлар билан тўлдириш масаласига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Прокуратура идораларида ҳам бу масалани кейинги йилларда алоҳида эътибор қаратган. 2000 йилнинг биринчи ярим йиллиги ҳолатига кўра республика миқёсида жами ишлайётган ходимлардан 24 фоизи 30 ёшгача бўлган, 39,6 фоизи эса 40 ёшгача бўлган прокурор-тергов ходимларидир. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида конституциявий прокурорларнинг 43,5 фоизини қирқ ёшгача бўлган ходимлар ташкил эди.

Кадрлар малакасини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Масалан, ўтган олти ой мобайнида Республика прокуратураси идоралари томонидан ходимларнинг касб маҳоратларини оширишга қаратилган 418 та ўқув машғулотни ўтказилди. Худди шунингдек, 225 нафар ходим қонунийликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказида махсус дастурлар асосида ҳуқуқий билимларини оширилди.

Қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун бузилишининг олдини олиш ишларида фидокорона меҳнати, ташаббускорлиги учун прокурор-тергов ходимлар муносиб тарзда рағбатлантириб борилапти. Шу билан бир қаторда сафларимизни прокуратура ходими номига доғ тушираётган шахслардан тозалаш ишлари ҳам изчиллик билан олиб боришмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида ноҳўя хатти ҳаракатлар содир этганлиги

учун 12 нафар шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилиб, прокуратура идораларидан бўшатишди.

— Кадрлар заҳирасини тўлдириб бориш ишлари қандай кечмоқда?

— Кадрлар заҳирасини ташкил этиш асосан бўш иш ўринларини муносиб номзодлар билан тўлдириб бориш, прокуратура идораларига жамоатчи ёрдмчиларни жалб этиш,

тон Республикаси прокуратураси идораларида ёш мутахассислар ишини ташкил этиш ҳақида»ги Бош прокурорнинг буйруғи билан тасдиқланган йўриқнома талабларига мувофиқ ҳар бир иш ўрганувчига белгиланган Дастур асосида прокурорлик соҳавий йўналишларининг барча тармоқлари бўйича иш ўргатишни тўғри ташкил этиш, бу борада идоранинг тажрибали ходимларини уларга

ҳодимларни прокурорлик йўналишининг барча соҳавий йўналишлари бўйича иш ўргатиш ва тажриба алмашишга жалб этиш орқали уларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаб бориш ҳамда олий ўқув юртларида тахсил олаётган талабаларни прокуратура идораларида ишлаш учун ўқув амалиётларига жалб этиш йўли билан амалга ошириб келинмоқда.

Прокуратура идораларига жамоатчилик асосида ёрдм бериш истагини билдириб мурожаат этган фуқаролар вилоят ва унга тенглаштирилган прокуратураларнинг кадрлар билан ишлаш хизматлари томонидан атрофчила ўрганиб чиқилиб, зарур ҳолларда вилоят ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан шахсан суҳбат ҳамда қўшимча текшириш ўтказилди ва бу борадаги Низом талабларига жавоб бера оладиган фуқаролар аттестация ҳулосасига кўра жамоатчи ёрдмчи сифатида жалб этилишига розилик берилади. Ўз навбатида улар ўзларининг асосий иш ёки ўқиб жойларидан ижобий тавсифлашлари шарт. 2000 йилнинг ўтган даври мобайнида 22 нафар ходим жамоатчи ёрдмчилар сафидан, 6 нафар ходим эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралардан прокуратура идораларига ишга қабул қилинди.

— Кадрларни танлаш ва тарбиялаш ўта мураккаб ва айни пайтда жуда муҳим вазифа. Бу борада бошқа идора ва муассасалар билан ҳамкорлик қилинаётганими?

— Кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш Республика прокуратураси раҳбариятининг, ўз навбатида кадрлар бошқармасининг доимий эътиборидаги энг муҳим масалалардан биридир. Жорий йилда Тошкент Давлат юридик институти, Нукус ва Самарқанд Давлат университетларининг ҳуқуқшунослик факультетларини тамомлаган талабалардан 40 нафари иш ўрганувчи сифатида Республика прокуратураси идораларига йўлланма билан ишга юборилди. Бунда Республика прокуратурасининг бошқарма ва бўлим бошлиқлари аъзолигида Бош прокурорнинг 1-ўринбосари раислигида махсус комиссия томонидан суҳбат ва махсус текширув ўтказилди. Улардан энг муносиблари синовдан ўтдилар. Эндиги вазифа «Ўзбекис-

мураббий этиб тайинлаш ҳамда қундалик амалга оширган ишлари устидан назорат ўрнатиш лозим бўлади. Иш ўрганиш даврида ўзининг билими, интизоми ва ҳаракатчанлиги ҳамда одамлар билан ишлаш олиш қобилиятини намойён эта олган ёш мутахассислар ўтказиладиган аттестация натижаларига кўра мустақил лавозимларга тайинлаш учун тавсия этиладилар.

Прокуратура идораларига кириш истагини билдирган ёшларга ва умуман соҳада ишлайётган ходимлар олдиға қўйиладиган талабларнинг асосийси - адолатчилик, софдиллик, ўзига ишониб топширилган вазифаларни виждонан ва ҳалол бажариш, энг муҳими ҳақиқий инсон бўлиш. Ана шу фазилатларга эга бўлган шахсина прокуратура идораси ходими деган номга сазовор бўлиши мумкин. Лекин афсус, оз бўлсада билдирилган ишонччи оқламаётган ходимлар ҳам учраб турибди. Бундай ҳолатларга чек қўйиш мақсадида аттестация комиссияларининг ролини оширишди.

Бошқа идора ва ташкилотлар билан ҳамкорлик масаласига келсак, биз олий ўқув юртлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Ходимларнинг ўзларининг бой иш тажрибалари ва билимини бўлажак ҳуқуқшуносларга ўргатишда олимларимизга яқиндан ёрдм бериб келаяптилар. Жумладан, меҳнат фаолиятини илмий фаолият билан боғлаб олиб бораётган ходимларимиз олий ўқув юртларида «прокурорлик назорати» ва бошқа мутахассисликлар бўйича машғулотлар ўтказмоқдалар.

Суҳбатимиз якунида мен бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Кейинги йиллар давомида Республика прокуратураси идораларида ишлаб келаётган ходимлар кўпалаб бошқарув ва ҳокимият органларининг масъул лавозимларига ишга жалб қилинмоқда ва давлат муқофотларига сазовор бўлмоқдалар. Прокуратура идораларига билдирилган бундай ишонч барчамизда фахр ва ифтихор туйғусини уйғотади, албатта.

Суҳбатдош:
Дониёр ХАЛИЛОВ

ИСТИҚЛОЛНИНГ 9 ЙИЛЛИГИГА

ЮРТИМНИНГ ТИНЧЛИГИ — КЎЗИМНИНГ ҚОРАЧИГИ

ПРОКУРАТУРА ИДОРАЛАРИДА ҚИРҚ ЙИЛ ИШЛАБ НАФАҚАГА ЧИҚҚАН УРУШ ВА МЕХНАТ ФАХРИЙСИ ҲАЁТИДАН АЙРИМ ЛАВҲАЛАР

Табиятан оғир-вазмин, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини тутта биладиган, ҳис-туйғуларини жиловлашга одатланган Ҳусанбек ака ҳозир газабини, нафратини яширмасди. «Одам боласи бунчалик тубан бўлмаса? Нега ўтмишдан сабоқ чиқариб олишмайди?»

қинчи, талончи қотилларнинг қўлини кўрган, дастлабки тергов, суд терговлари чоғида уларнинг аксариятига хос бир хусусияти — маънавий қашшоқликларини кузатган эди. Бу қалби сўжир, зўравонликдан бошқа нарсани тан олмайдиган кимсалар суднинг қора курсида одамзотга нисбатан нафратини ичига ютиб, мулойим супурги бўлиб қолсаларда, фурсати келганда тагин қўлини қонга ботирмаслигига қафолат бериш қийин. Бундай рецедивистларнинг олий жазага мустаҳкамлигига унинг ишончи қомил. Айни чоғда, адабиёт, алдов ёки қўрқутув тўғрисида босқинчиларга шερк бўлиб қолган, бевосита қотилликда қатнашмаган маҳбусларнинг қайта тарбияланиши мумкинлигини ҳам инкор этмайди.

Ҳусанбек ака Абсаров урушдан қайтган, Тошкентдаги ҳуқуқшунослик мактабини битириб, Фаргона вилояти прокуратурасида иш бошлади. Бувайда тумани, Қўқон шаҳри прокуратураларида терговчи, вилоят прокуратурасида тергов бўлимининг бошлиғи, Задарё тумани прокурори лавозимларида меҳнат қилди. Кейин уни яна Фаргона вилоятига юборишди. Вилоят прокуратураси тергов

бўлими прокурори, вилоят ички ишлар бошқармаси тергов бўлими бошлиғи, вилоят суди раисининг жиноят ишлари бўйича биринчи муовини, Қўқон шаҳар, Марғилон шаҳар прокурори лавозимларида ишлаб, жиноятчиликни қамайтиришга салмоқли хисса қўшди. 1985 йил декабрь ойида нафақага чиққандан кейин ҳам турли муассаса ва ташкилотларда ҳуқуқшунослик фаолиятини давом эттириб келмоқда. Июль ойида 75 ёшга кирган отахон Фаргона савдо-ҳарид бирлашмасида ҳуқуқшунос бўлиб, жамоа манфатларини ҳимоя қиляпти.

«Биттасини қўймай яқсон қилиб ташлаш керак» - дейди Ҳусанбек ака Сурхондарёда чегарамизга суқилиб қирган, Боткен тоғларида уя қуриб олишга уринаётган халқро тердорчи-газандалар ҳақида сўз кетаркан. У қуролланган бандит жаҳит учун нақадар хавфлигини узуқуқли гаплардан эмас, ўз тарбиясидан яхши билади. Ҳусанбек ака Абсаров Қўқон шаҳар прокурори бўлиб ишлайётган пайтлари, анжирқоғи, 1976 йилда шаҳардаги ҳарбий қисмлардан бириндан қурол-яроғ ўйрилган эди. Ушбу жиноят бевосита унинг

ҳамда ўша пайтда шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган Ҳошимжон ака Турғуновнинг бошчилигидаги тергов гуруҳи томонидан фош этилиб, қуролланган ҳолда талончилик, босқинчилик, қотиллик жиноятларини содир этган олти нафар бандит қонуний жазага тортилганди.

Ҳусанбек ака Абсаровнинг камтарона ҳўзланган уч хонали уйда ҳажон адабиёти намоёндаларининг асарлари, ҳуқуқ оид китоблар билан тўла китоб жавонига қараб, у маънавий қўвват оладиган ҳаёт чашмаларида бири эҳтимол шу бўлса керак, деб ўйлади. Ҳаётдан ўз йўлини топиб олган ўғли Александр, отасининг изидан бориб ҳуқуқшунослик касбини танлаган, вилоят прокуратурасида умумий назорат бўлими прокурори бўлиб ишлайётган кизи Лариса, яна бир кизи Людмила, раффакси Римма Петровна, тўрт набаирлари отахоннинг энг катта бойлиғи. Бу катта хонадон соҳиби, бой қалб эгаси бошқа юртдошларимиз каби Ватанимизни тинчлигини кўз қорачигидай кадрлайди.

И.ИСРОИЛОВ

Тоғ ёнбағрида ер тишлаб ётган босқинчи-бандитларнинг жасадаларини телевизиорда қўриб ўтириб, беихтиёр Белоруссия ўрмонларида ўз-ўзига қабр қазиган, қоллариди, оқларининг ортида хилма-хил ҳолатларда, юзтубан, осмонга қараб ётган, ўтирган жойида жони чиққан фашист газандаларининг мурдалари унинг кўз ўнгига гавдаланади. У 1943 йил феврал ойида сафарбар қилинган, 1944 йил май ойидан сентябрь ойигача 1-Белоруссия fronti ҳарбий қисмларида душман билан зма-юз жангларда қатнашган, Гомел, Жлобин, Бобруйск шаҳарларини озод қилган эди. Бобруйск шаҳри яқинида, Польша чегарасидаги жанглардан бирида оғир яраланиб, турли шаҳарларнинг госпиталларида даволанганда...

«Ахир ўша уруш ҳеч бир юртни, ҳеч бир халқни қурол билан бўйсундириб бўлмаслигини исботлаб бермадимми? Наҳот юртимизга суқулиб қирган бир ҳовуқ газандалар, уларнинг ортида турган, қуролланганаётган, амирлигу хонликлари ваъда қиладиган халқро терроризм қорчалорини ана шу олдий ҳаққорини тушунамсалар?»

Йўқ, қўлига қурол тегishi билан «довюракка» айланадиган, бировнинг ҳаётини сариқ чақалик қадрламайдиган, на ўз юрти, на халқро қонунларни тан олмайдиган, босқинчилик, қотиллик билан ҳаётини қаптайтиришдан бошқа нарсани ўйламайдиган, инсон қиёфасини йўқотган худбинларга ўтмиш сабоқ бўла олмайди.

Ҳусанбек ака прокуратура идораларидаги кўп йиллик меҳнати мобайнида бу каби бос-

МАРҲАММАТИМИЗ ОЎЖИ, МЕҲНАКАРА!

ВАТАН

Кўзим очиб босган тупроқ - гулгун бўстони-мсан Ватан,
Алла айтган онам каби бир меҳрибонимсан Ватан.
Мафтун этмас мени зарра ҳеч бир диёр сенинг каби,
Бу дунёда ўзинг танҳо жаннатмақоимсан Ватан.

Сени менга Ватан қилиб яратганга шукрона дей,
Бошим узра ҳурлик нури таратганга шукрона дей,
Халқ дардига ўз меҳрини қаратганга шукрона дей,
Зафар кутган йўлларимда нурли имқонимсан Ватан.

Юртим дебон не Фарҳодлар йўлларингга жонин тутди,
Йироқларда ҳатто Бобур фироқингда қонлар ютди,
Хурлигини кутиб ҳар он, Чўпонларинг йиғлаб ўтди,
Қайда бўлмай кўзим нури, ёруғ жаҳонимсан Ватан.

Тупроғингдан олтин олар деҳқонларинг мардонавор,
Саховатда Ҳотам каби қадди баланд Туронинг бор.
Билмам яна қайда учрар бу оламда шундай диёр,
Худо шохид, фақат ўзинг ёлғиз посбонимсан Ватан.

Она юртим, сени суйган ҳар юракка байроқ ўзинг,
Кўза суртай тупроғингни меҳригиде тупроқ ўзинг.
Хур элимнинг қалбига нур таратувчи чироқ ўзинг,
Тирикдурман сен-ла, чунки тандаси жонимсан Ватан.

ШОДАЛИТИМАЖ, ЎЗБЕКИСТОНИМ

Тонлар қайтди, қайтди баҳорлар,
Эркин бўлди жону жаҳоним.
Қалбда ғам йўқ, йўқдир губорлар,
Шодлигимсан, Ўзбекистоним.

Меҳринг қуёш, қудратинг уммон,
Саховатинг, ҳимматинг дoston,
Қаддинг баланд, қимматинг осмон,
Шодлигимсан, Ўзбекистоним.

Сеҳринг билан юрак уйғониб,
Баҳра олди меҳрингдан қониб,
Яшар энди сен учун ёниб,
Шодлигимсан, Ўзбекистоним.

Кавсар суви жаннатим ўзинг,
Пок иймоним - зийнатим ўзинг.
Саодатим - санъатим ўзинг,
Шодлигимсан, Ўзбекистоним.

Нилуфар УРИНОВА,
Бухоро

ҚУТЛОВ

Миллат орзусига эш бўлсин дилим,

Озодлик, ҳурлигинг муборак, юртим.

Умидсиз бўлмадик, умид-ла яшаб

Иқболинг машъалин ёнганин кўрдим...

Мустақиллик муборак, халқим,


Азизларинг руҳи қўласин.

Сени буюк истиқбол сари,

Оллоҳимнинг ўзи йўласин...

Мустақиллик муборак, юртим!!!

Қамолиддин ИЛҲОМОВ,
8-синф ўқувчиси



ТУРОНДАН БОШҚА

Бу тоза ҳаволар, бу хуш саболар,
Булбуллар лабидан учган наволар,
Паридан парилар, ҳурдан аълолар -
Эҳ, яна қайда бор Турондан бошқа,
Она-Замин, айт-чи, кириб шу ёшга?!

Бу тиниқ зилоллар, мевалар - боллар,
Гўзаллар лабида қоп-қора холлар,
Чайқалиб турғувчи нозик ниҳоллар -
Оҳ, яна қайда бор Турондан бошқа,
Она-Замин, айт-чи, кириб шу ёшга?!

Бухорий ҳам Темур, Навоий, Бобур,
Улугбек, Феруздек ҳар ишда моҳир,
Беруний ҳам Ибн Синодек машҳур -
Оҳ, яна қайда бор Турондан бошқа,
Она-Замин, айт-чи, кириб шу ёшга?!

Бир улғу аждодга авлодсан, Олқор,
Қалбингда лиммо-лим фаҳр-ифтихор,
Илмдан, Ҳикматдан яралган диёр -
Оҳ, яна қайда бор Турондан бошқа,
Она-Замин, айт-чи, кириб шу ёшга?!

Олқор ДАМИН,
Самарқанд

ҲОЛАТ

Юлдузлар юртида бор бир иморат,
Пойида кумушлар ётар тўшалиб,
Тоқида тунда ой, кундузи қуёш,
Ёритар, иситар, кетмас бўшалиб.

Гулзорларда юлдузлар юз очар ханда,
Оромкурсилари парқув булутдан.
Кўнглимда туғилар исмсиз туйғу,
Қанот пайдо қилиб қўйдим ҳалитдан.

Кўкни қучгим келар...
Кўкка учгим келар...
Кўнглимга соламан гўлдан ҳалинчак.
Йўллар тошдан эмас, тупроқдан эмас,
Тўшалиб ётибди оппоқ гул-чечак.
Исмсиз туйғулар талашидаман.

ТОШДАГИ ИСМ

Исмни бағринга ўйиб ёзибди,
Абадий қолмоқни истаган банда.
Одамлар сонидан кўп эрур билсанг,
Катта-кичик тошлар она- Ватанда.

Тошга ўйғунингча азиз номингни,
Одамлар кўнглига яхшилик-ла ўй.
Ватаннинг ҳеч қурса битта юкига
Исм ўйғунча вақт елкангни бер, қўй.

Ўшанда қолади Ватанда исминг

Дилбанд АБРАЕВА,
Сурхондарё вилояти